



## МИЛЛИЙ ДЕНДРОЛОГИЯ БОҒИ ФЕНОМЕНИ — ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ВА ЯШИЛ ТАРАҚҚИЁТ УЧУН МУҲИМ ҚАДАМ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбирида иштирок этиб, Миллий дендрология боғини барпо этишга старт берди.



Миллий дендрология боғи янги Ўзбекистоннинг бугунги фаровонлиги ва келажак қафолати учун яна бир тамал тошидир. Инкор этиб бўлмас бу ҳақиқатни англаш учун янги боғнинг моддий ва маънавий қиёфасини кўра олиш зарур.

Дендрология — дарахт ва буталар ҳақидаги фан. У дарахтларнинг анатомияси, тур ичидаги систематикаси, экологияси, географик тарқалиши каби жиҳатларни ўрганади. Содда қилиб айтганда, қайси дарахт қаерда, қандай иқлим ва табиатда

ўсиб-унишни, юқори самара беришини ўрганадиган йўналишдир.

Халқимизда икки муҳим ишни гўдақликдан бошлаб умр бўйи давом эттириш аънамага айланган. Улардан бири илм олиш бўлса, иккинчиси — дарахт экиш. Миллий

дендрология боғи шундай қадриятларимизни ўзида жамлагани билан ҳам янги Ўзбекистоннинг бугунги ва келажак қиёфасини акс эттирадиган яшил майдондир. Ҳа, бу боғ мамлакатимизнинг экологик ташаббусларидаги илмий асосга таянган янги босқич!

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг қадим қадриятлари ҳақида тўхталиб, жумладан, аждодларимиз азалдан Наврўз кунларида, оиласида фарзанд туғилганда томорқасига, майдон ва хиёбонларга, йўл четларига яхши ният

билан кўчат қадаб, гулу райҳонлар эканини таъкидлади.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар самарадорлигининг сири ҳам айнан шундай эзгу қадриятларга мос ҳолда иш юритилаётганидир.

➤ Давоми 2-бетда

## САЙЁҲЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган “БМТ Туризм” бош котиби Шайха Носир Ал Новайсни қабул қилди.

Ўзбекистон ва БМТнинг ушбу ихтисослашган муассасаси ўртасидаги кўп қиррали ва узоқ муддатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ташкилот раҳбари Ўзбекистонда туризм соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни юксак баҳолади. Сайёҳлик инфратузилмасини модернизация қилиш ва хизматларни диверсификация қилиш бўйича изчил чоралар амалга оширилмоқда. Авиақатновлар географияси кенгаймоқда, янги мусайяр ташкил этилмоқда, йирик маданий тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда.

Сўнгги 8 йилда юртимизга келган сайёҳлар сони 6 баробар кўпайиб, қарийб 12 миллион нафарга етгани алоҳида қайд этилди. 2030 йилга қадар уларнинг сонини 20 миллионга, туризмнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидagi улушини эса 7 фоизга етказиш режалаштирилган.

Ўзбекистон ва “БМТ Туризм” ўртасидаги ҳамкорлик жадал суръатда ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан таъкидланди. 2023 йилда Самарқанд шаҳрида Ташкилот Бош Ассамблеяси муваффақиятли ўтказилди, Халқаро туризм академияси ташкил этилди, яқинда эса “Ипак йўлида туризм” мавзусидаги офиснинг очилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2027 йилни Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили деб эълон қилиш тўғрисидаги резолюцияси қабул қилинди.

Суҳбат чоғида томонлар шерикликни янада ривожлантириш, жумладан, сайёҳлик соҳасида халқаро ҳуқуқий базани такомиллаштириш, кўшма лойиҳаларни амалга ошириш, экспертлик ва техник ҳамкорликни кенгайтириш, туризм соҳаси учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш ниятида эканини қатъий тасдиқладилар.

ЎЗА

**ЭНДИ ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ ОЛИШ ОСОНЛАШАДИ 4**

## Март сарҳисоби


### МИЛЛАТ ТАФАККУРИНИНГ АСОСИ: ТИНЧЛИК, ЭЗГУЛИК, БИЛИМ ВА МАЪРИФАТ

➤ Бундай ишлар тарихимизда бўлмаган

Жаҳон ҳамжамияти гувоҳ: мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида баҳор фаслининг илк оғи — март оламшумул тарихий воқеалар билан тўлиб-тошди. Келинг, тадрижий кетма-кетлик аънасадан чекиниб, гапни давлатимиз раҳбари ғояси асосида бунёд этилиб, фойдаланишга топширилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази халқимиз учун чинакам улкан маънавий ҳодиса бўлгани борасидаги мулоҳазалардан бошлаш. Миллат тафаккурини бойитишга хизмат қилиш миссиясини зиммасига олган бу муҳташам маскан юртимизнинг бой тарихи, бебаҳо маънавий мероси, асрлар давомида шакланган илм-маърифат аънасаларининг ёрқин тимсоли сифатида барпо этилди.

Бугун Ўзбекистон тинчлик, билим ва маърифатли ислом мамлакатли сифатида ривожланишда. Президентимиз таъкидлаганидек, янги Хоразмий, Беруний, Улугбек, Фарғоний, Ибн Сино, Бухорий ва Термизийлар воғая етмоқда. Заминимиз асрлар давомида жаҳон тамаддунининг муҳим марказларидан бири сифатида ислом маданияти ва илм-фан ривожига беқиёс ўрин тутган. Буюк мутафаккирлар, аллома ва муҳаддислар етишиб чиққан бу заминда бой маънавий мерос шакланган. Энди ана шу улкан меросни асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш ишлари илмий-маърифий маскан воситасида бажарилади.

Давлатимиз раҳбари 17 март куни Ислом цивилизацияси марказининг расмий очилиш маросимидаги нутқида халқимизга қарата “Не-не аждодларимизнинг орзу-ниятлари, армонлари рўйга чиққан мана шундай унутилмас кун билан, чинакам илм-маърифат байрами билан ҳаммангизини чин қалбидан табриклайман.



Мамлакатимизнинг уч минг йиллик шонли тарихи ва бой маданиятининг янги Ўзбекистон имкониятларининг ёрқин кўзгуси бўлган ушбу бетакорор ва буюк мажмуа барчамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин!” дея алоҳида таъкидлади.

Бундан тўққиз йил олдин мажмур мажмуани барпо этиш ҳақида мажмур қарор қабул қилиниб, амалий ишлар бошланган эди. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида эълон қилинган бу эзу ташаббус жаҳон жамоатчилиги, айниқса, ислом ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланди. Марказ биноси Президентимизнинг меъморий ғоя ва таклифлари асосида лойиҳалаштирилди. Давлатимиз раҳбари ушбу мажмуага бир неча бор ташриф буюриб, бунёд этиш жараёнида унинг мазмунан ва шаклан янада мукамал бўлиши юзасидан қимматли тавсия ва маслаҳатларини берди. Хусусан, 2025 йилнинг ўзида марказга бир неча марта келиб, экспозициялар, инфратузилма, маърифий ва илмий йўналишларни такомиллаштириш бўйича муҳим ғоялари билан ўртоқлашди.

Ўтган йили минглаб хоржий меҳмон ташриф буюргани Ислом цивилизацияси марказининг жаҳон миқёсида катта қизиқиш ва эътибор уйғотганини тасдиқлайди. Меҳмонлар орасида Президентлар, парламент ва ҳукумат раҳбарлари, депутатлар, сенатор ва лордлар, вазир ва элчилар, илм-фан ва жамоат арбоблари, диний ташкилотлар раҳнамолари борлигини таъкидлаш лозим.

Ўтган йили минглаб хоржий меҳмон ташриф буюргани Ислом цивилизацияси марказининг жаҳон миқёсида катта қизиқиш ва эътибор уйғотганини тасдиқлайди. Меҳмонлар орасида Президентлар, парламент ва ҳукумат раҳбарлари, депутатлар, сенатор ва лордлар, вазир ва элчилар, илм-фан ва жамоат арбоблари, диний ташкилотлар раҳнамолари борлигини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази маҳобати, худуди ва қамровига кўра, дунёда ислом тарихи, маданияти ва

цивилизацияларини ўрганиш ҳамда тарғиб этишга қаратилган йирик мажмуалардан бири бўлиб майдонга чиққани ҳақида жаҳон матбуоти аллақачон бонг ура бошлади.

**ФАКТ.** Ушбу ноёб мажмуа салкам 10 гектар ҳудудда жойлашган, бинонинг умумий фойдаланиш майдони 50 минг квадрат метрни ташкил этади. Бу ерда “Ўзбекистон заминидан исломгача бўлган давр”, “Биринчи ва Иккинчи Ренессанс”, “Янги Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс пойдевори” ва бошқа заллар мавжуд. Ўтган йилнинг ўзида 1500 дан ортиқ экспонат, жумладан, 800 га яқин қадимий қўлёзма, археологик топилма ва тарихий хариталар экспозицияга жойлаштирилди. Айни вақтда хоржий аукцион уйлари, йирик коллекционер ва арт дилерлар билан ҳамкорлик ўрнатилиб, 743 та экспонатнинг асл нусхалари юртимизга келтирилди.

➤ Давоми 3-бетда

# МИЛЛИЙ ДЕНДРОЛОГИЯ БОҒИ ФЕНОМЕНИ — ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ВА ЯШИЛ ТАРАҚҚИЁТ УЧУН МУҲИМ ҚАДАМ

## Бошланиши 1-бетда

Хусусан, ҳалқимизнинг табиатга муносабати ҳам тубдан ўзгариб бораётди. Ҳаётимизга ва тафаккуримизга “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси кириб келди. Унинг доирасида сўнгги беш йилдан бери ҳар йили 200 миллион туп кўчат экилмоқда. Бугун қаерга борманг, янги боғларга, яшил майдонларга дуч келасиз. Рақамлар эса ўтган қисқа муддатда катта марра олинганидан далolat беради. Хусусан, ўтган даврда 2000 гектардан зиёд майдонда 942 та яшил боғ ва яшил жамоат парки барпо этилган. Бундан ташқари, 47 массивда “Янги Ўзбекистон боғлари” яратилган.

Иккинчи ўзгариши асоратини юмшатишда ўрмонларнинг ўрни алоҳида. Шу боис, юртимизда қўл ва адирларда 256 минг гектарли ўрмон ташкил қилинди. Яна бир йиллик лойиҳа эса, шубҳасиз, Оролбўйида яшил қопламалар ҳудудининг кенгайтириш бўлаётганидир. Мамлакатимизда сўнгги йиллардаги ислохотлар Оролбўйига янги ҳаёт нафасини олиб кирди. Натияжада қўлнинг қуриган тубидида 2 миллион гектар майдонда яшил қопламали ҳимоя ўрмони яратилди. Шамол ва қум-чанг бўронлари зарарли таъсирининг олдини олиш мақсадида 33 туманда 60 километрли “яшил белбоғ” ҳосил қилинди. Шунинг ўзиёқ янги Ўзбекистондаги ислохотлар реал натижа, одамларни рози қилиш йўлида бажарилаётганини кўрсатади.

Булар ҳали бошланиши. Олдинда яна кўплаб боғлар яратиш, илмий асосда уларнинг яшовчанлигини оширишдек вазифалар турибди. Бу миссияни муносиб ухталаш учун эса зарур қувват захираси керак. Шу боис, ўтган йили Хўжайли, Янгибозор, Ғиждувон, Балиқчи ва Охангарон туманларида замонавий кўчатхоналар ишга туширилди. Улар йилгига 5,5 миллион туп манзарали дарахт кўчати етиштириш имконини беради. Қадалган ҳар бир ниҳол бехато кўчариши учун эса илмга асосланган пухта режа зарур. Илм нафақат кўчати тўғри танлаб парваришда, балки замон талабларини ҳисобга олишда ҳам ўргатади. Бугун бутун дунёда сув таъминоти масаласи йил сайин долларлик касб этиб бораётди. Дарахтлар эса ер остидagi намликни тутиб туриши билан ҳам экологик масалаларга ечим бўлади. Бироқ у сояси, бақувват илдири билан намликни сақлаши учун аввал унинг ўсиши керак. Демак, дастлаб кўчатта сув бериш зарур. Сўнг ушбу сармоини ўн ҳисса қилиб қайтиб олиши мумкин. Ана шу оралиқдаги муддатда энг мақбул ечим сувсизликка чидамли ниҳол қадашдир.

Бу борада ҳам амалий ишлар бошланган. Хусусан, Хитой таърибаси асосида жорий йил илк бор Арнаош, Қорақўл, Муборак, Қармана ва Нукус туманидаги 50 гектар майдонда сувсизликка чидамли галлофит боғлари барпо этилди. Таъкидланганидек, бу ерда етиштирилган галлофит уруғлари келгусида минглаб гектар ерда шўрланганини камайитириш ва тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

Умуман, қисқа муддатда мамлакатимизда яшиллик даражаси 8 фоиздан 14,2 фоизга ошди. Ўтган ҳафта Президентимиз имзолаган янги фармонга мувофиқ, 2030 йилга қадар мамлакатимизда умумий яшиллик даражасини 30 фоизга, жон бошига тўғри келадиган яшил ҳудудларини 10 квадрат метрга етказиш бўйича катта марра белгилади. Қўзланган маррани муносиб тарзда забт этишнинг ҳам аниқ мақсади режаси тузилган. Жумладан, Сурхондарёда 10 минг гектарда “яшил макон”, Сирдарёда 84 километрли “яшил девор” барпо этилади. Бундан ташқари, Қорақалпоғистонда 1 миллион гектар, Навоий ва Бухорода 300 минг гектардан, Хоразмда 85 минг гектар қўл ҳудудинда янги ўрмонлар яратилади. Шунингдек, вилоят ҳокимларининг ҳар бири камида 100 гектар майдонда ботаника ва дендрология боғлари, 20 тадан соя-салқин сайр кўчалари ташкил қилишга масъул бўлади.

Экология ва аҳоли саломатлиги энг долзарб масалага айланган бораётган айтилган ҳудудга мос дарахт турларини танлаш ва экишда Халқаро молекуляр аллергология марказининг тавсиялари ҳам муҳимлиги қайд этилди. Бунинг барчаси юксак интеллекта эга, салоҳиятли кадрларни талаб этади. Масаланинг айтилган ҳаётга қўйиладиган четда қолгани йўқ.

Хусусан, жорий йилдан ҳар бир ҳудудда “яшил” техникумлар фаолияти йўлга қўйилди. Уларда дугал таълим асосида йилгига 10 минг мутахассис тайёрланади. Муҳими, ботаника ва дендрология боғлари ушбу техникум ўқувчилари учун амалиёт базасига, илмий ҳодимлар учун эса тадқиқот майдонига айланади.

Жамият бир бутун халқ, ягона Ватан бўлиб ҳаракатга келса, ташаббуслар амалий натижага айланади. Агар бундай эзгу саяё-ҳаракатлар минг йиллик кадрлардан сув ичиб, миллий ўзлик билан йўғрилса, асрлар давомида фойда келтирадиган қулаб айланади.

Президентимиз ҳудудларда яшил боғлар яратиш бўйича аҳоли ва депутатлар иштирокчини янада кенгайтиришни тақдир қилди. Илгари “Менинг боғим” дастури доирасида ҳар бир лойиҳага бюджетдан 250 миллион сўмга маблағ берилган бўлса, энди бу миқдор 400 миллион сўмга оширилди. Ҳар бир яшил боғ ва жамоат парки учун аҳоли ўзи танлаган, яшаш ҳудудларига яқин ва энг муҳими, сув таъминоти мавжуд жойлардан 1 гектаргача ер ажратилади. Бу йилги мавсумдан Қонунчилик палатасининг ҳар бир депутати ҳам ўз округида яшил ҳудуд ва яшил боғ яратиш учун 412 миллион сўмдан маблағ берилди. Буларнинг барчаси янги Ўзбекистоннинг дунёни яшил боғ, эзулик қиёфасида кўришга кучли интилиши ва саяё-ҳаракати янада кенг қулоқ ёзишига хизмат қилади.

Сўзимиз аввалида ҳалқимизнинг азалий қадриятларини бежиз ёдга олмадик. Илдири бақувват ниҳол тез унади. Табиатда яна бир фаройиб факт бор. Агар дарахтнинг қуйи шохасидаги барг қовжираса, унчалик хатарли эмас. Бу ташқи таъсир

“Менинг боғим” дастури доирасида ҳар бир лойиҳага бюджетдан 250 миллион сўмга маблағ берилган бўлса, энди бу миқдор 400 миллион сўмга оширилади.

туфайли юзага келган бўлиши мумкин. Бироқ илдининг асл ҳолатини дарахт учидagi барглар кўрсатади. Жамият ҳаёти ҳам шунга ўхшайди. Шу боис, янги Ўзбекистондаги масалаларни энг куйин тизимдан — маҳалла, хонадонларда ҳал этишга алоҳида эътибор берилади. Буни “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатимиз етакчиси ҳалқимизда “Яхшидан боғ қолади”, “Бир кўчат — минг барак”, “Фарзанд кўрсанг, тўй қилсанг, дарахт эк” деган ҳикматлар бежиз айтилмаганини таъкидлади. Миллий қадриятларининг аҳамияти бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб экани қайд этилди.

Президентимиз маҳалла раислари, отахон ва онахонларимиз, хотин-қизлар вакиллари ҳамда барча фаолларни яшил боғлар яратишда фаол бўлишга чақирди. Таъкидланганидек, улар ўз ҳудудини миллий урф-одатлар, анъана ва қадриятларини янада кенг тарғиб қилса, клублар ва жамоалар ташкил этиб, ҳар бир кўча, хонадон, йўл бўйларига ниҳол ва гуллар, қир-адирларга дарахт ва буталар экишда бош бўлса, қандай яшши. Аҳир бир эл, ягона халқ ва ватан бўлиши шунини талаб этади-ку!

Жорий мавсумдаги яна бир қувончли мужда. Пойтахтимиздаги 108 гектар майдонда Миллий дендрология боғи ташкил қилинмоқда. Бу ердаги “Яшил” университети ҳудудини “Илм — лойиҳа — амалиёт” занжири асосида барпо этилаётган “in vitro” лабораторияси, Доривор ўсимликлар ҳамда Уруғчилик ва селекция марказлари ҳам шу йилнинг ўзида ишга туширилади. Шу маънода, уни яшил оламнинг илмий академияси дейиш мумкин.

Президентимиз тадбирда иштирок этаётган БМТнинг Ўрмонлар бўйича форуми раиси Исмоил Белен, форум котибияти директори Жульетт Биао, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик корпуси вакиллари ҳамда барча иштирокчиларга самимий миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари тадбир якунида иштирокчилар билан бирга Миллий дендрология боғининг илк 5 гектар майдонини манзарали кўчатлар экди. Айтилган вақтда республикамизнинг барча ҳудудини 21 мингта яқин юртдошимиз яна 164 гектар майдонда 88 минг туп кўчат ўтказди.

Миллий дендрология боғининг илк ниҳолларини экаётган юртдошларимиз юзидида қувонч акс этган. Кимдир сув ташиган, кимдир белкуракни ҳамроҳига бергани келмай, илдири устига тупроқ солади. Мақсади, муроди муштарак одамларнинг нафақат либоси, қалби ҳам яшилликка, яхшиликка бурканганини ҳис этиш қийин эмас. Уларни зимдан кузатган кишининг кўнглидан ёруғ ўйлар ўтади. Бу ўйлар бугунгидан қувонтириб, эртанги кунимизга ишонч беради.

**Боборован ҲОЗИДДИНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

# ҲАР БИР КЎЧАТ — ҲАЁТ

**Улуғбек ҚОСИМОВ,  
Сурхондарё вилояти ҳокими**



**Жорий йил 1 апрель кунини мамлакатимиз ҳаётида яна бир жуда муҳим воқеа бўлди. Президентимиз “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбирида иштирок этди. Ҳар борада Миллий дендрология боғини барпо этишга шарт берилади. Экологияни асрашга қаратилган бундай ислохотлар йил сайин тизимли тарзда изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йил 23 март кунини экология ва атроф-муҳитни муҳофазат қилиш соҳасида 2026-2030 йилларга мўлжалланган устувор умуммиллий лойиҳалар муҳокама этилган эди.**

Президентимиз белгилаб берган чора-тадбирлар ва имзолаган янги фармонга кўра, Ўзбекистонда 2030 йилга қадар умумий яшиллик даражасини 30 фоизга, жон бошига тўғри келадиган яшил ҳудудларини 10 квадрат метрга етказиш бўйича катта марра олинди. Бунинг учун Сурхондарёда 10 минг гектарда “яшил макон” барпо этилади. Қўл ҳудудини янги ўрмонлар яратилади. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар натижасида Сурхондарё вилоятида “яшиллик даражаси” 14,5 фоизни ташкил этмоқда. Вақолабки, бу кўрсаткич 2020 йилда 9 фоиз эди. Энди маррани янада баланд олиб, 2026 йил якунида бу рақамни 15,8 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Шунингдек, Сурхондарё вилояти афғон шамолининг салбий таъсирини камайитириш учун 2026-2030 йиллар давомида 10 минг гектарда ер майдонда “яшил қоплама” ҳамда “яшил белбоғ” ташкил этилади. Чанг-тўзонли афғон шамоли қўшини давлатнинг шимолӣ ҳудудини 600 минг гектар майдондаги қум барханлари орқали қайтариб келмоқда. Бундай шамоалар бир йилда ўртача 151 кунгача кузатилади. Узлуксиз давомийлиги 8 соатдан

24 соатгачани ташкил этади. Ёз жазирамасида фаслга хос қуруқлик сабаб шамол тезлиги секундига 7-12 метр бўлса ҳам чанг-тўзон кўтарилиши кузатилади. Буни бартараф этиш учун хориж таърибасини ўрганиб, илм асосида ёндашмоқчимиз.

Айтилган мақсадда Шеробод туманида 100 гектарли ботаника ва дендрология боғлари ҳамда “яшил техникум” очилади. Техникумда вилоят иқлимга мос кўчатлар етиштирилади. Айрим турлар иқлимга мослаштирилиб, кўпайтирилади. Бу мақсад учун алоҳида “in vitro” лабораторияси ташкил этилади. Афғонистон билан чегара бўйлаб 390 гектар (150 километр масофада) майдонда 3,7 миллион туп кўчат экилиб, “яшил белбоғ” қиламиз. Аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун барча туманларда сояли сайил кўчалари, “Менинг боғим” лойиҳаси бўйича 15 та “яшил боғ” ва “яшил жамоат парки” барпо этилади.

Сурхондарёнинг баҳорини ҳам ҳаво тез исийди. Шунини ҳисобга олиб, баҳорги кўчат экиш ишларини январь ойидан бошлаганимиз. Бунда марказлашган ҳолда кўчат экишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, ташкилот ва идоралар ташаббуси билан

давлат хизматчилари томонидан Ангор ва Термиз туманларидаги 323 гектар ер майдонини “Ўрмон усулида” мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Муҳими, уларда 100 фоиз томчилатиб сугорилиш технологияси жорий этилди.

Яна бир муҳим жиҳат — худудларга қараб дарахт турлари экиланти. Масалан, Ангор тумани М-39 халқаро магистрал автомобиль йўли тоғ олди ҳудуди бўлгани учун 102 гектарда “Ўрмон усулида” 261 минг туп арча экиди. Термиз тумани Янгибод маҳалласида “яшил белбоғ” усулида 31 гектарда 12,7 минг туп элдор қарағайи ва 6,5 минг туп наъматак бўй чўмоқда. Термиз тумани Каттақум даҳасидаги 82 гектарда 218 минг туп элдор қарағайи, тут, каталпа ва мевали дарахт кўчатлари қадалган. Бундан ташқари, Ангорнинг Қорақир массивидаги 108 гектарга Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг 7,5 миллиард сўм маблағи ҳисобидан вилоятдаги 6 та давлат ўрмон ҳўжалиги томонидан иқлим шароитига мос 270 минг туп элдор қарағайи, виргин арча, тут, каталпа ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Сурхондарё вилоятида куз-қиш даврини об-ҳаво ҳарорати юқори бўлади. Шу боис, бу ерда иссиқхоналарни иситиш Тошкент вилоятидагига нисбатан 50 фоизгача арзона тушади. Мамлакатимиз етакчисининг оқилона сиёсати сабаб мана шу соҳа ҳам тўғри йўналиш олди. Янги Тошкент вилоятидаги 940 гектар иссиқхоналар Шеробод туманига кўчирилаётган бўлди. Бунинг учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, Шерободда “Сурхон-Агро” эртин иқтисодий зонаси ва алоҳида дирекция ташкил этилади. Дирекция ва эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари учун белгиланган тартибда алоҳида солиқ божхона имтиёзлари ва бошқа преференциялар татбиқ этилади. Шунингдек, ер участкалари тадбиркорларга 5 йил давомида ижара тўловининг “ноль” ставкаси қўлланилади.

Шу билан бирга, иссиқхоналар сугорилиш учун шилталанидиган оқова ва ер ости сувлари учун тўловлардан 3 йил муддатта озод этилади. Бу бўйича Тошкент вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан ишлар бошлаб юборилган.

Давлатимиз раҳбари маҳалла раислари, отахон ва онахонларимиз, хотин-қизлар вакиллари, барча фаолларга мурожаат қилиб, жойларда миллий урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимизни янада кенг тарғиб қилишга, яшил ҳудудлар ташкил этишда ёшларга бош бўлишга чақирдик. Бу ҳам бизга руҳ, куч-қувват беради. Энди вазифамиз мана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, воҳа аҳли билан биргаликда мамлакатимизнинг экологик барқарорлигига, шу орқали иқтисодий-ижтимоий юксалишига муносиб хизмат қилишдир.



## ГЛОБАЛ АҲАМИЯТГА ЭГА ТАШАББУС

**Президент Шавкат Мирзиёевнинг хайрли ташаббуси — “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбирида иштирок этиш бахтига муяссар бўлганимдан жуда хурсандман.**

Юртингизда илк бор Миллий дендрология боғи барпо этилаётгани бизни қувонтиради. Шу соҳада узоқ йиллик тажрибага эга инсон сифатида айтаманки, кўчатнинг маҳаллий иқлимга мос турларини танлаш, уларни илмий асосда парвариш қилиш жуда муҳим. Миллий дендрология боғи айнан шундай илмий марказ бўлишига ишонаман. Умуман, юртингизда Миллий дендрология боғи ташкил этилиши келажак авлодлар учун муҳим меросдир.

Кейинги йилларда Ўзбекистондаги экологик масалаларга ёндашув тубдан ўзгарди. Бу ерда рақамлар ёки ҳисоботлар учун эмас, балки амалий натижа учун жонкуярлик, ҳамжихатлик, фидойилик билан ишланмоқда. Айтимиз, “Яшил макон” лойиҳасини алоҳида таъкидлаш керак. Лойиҳани нафақат минтақавий, балки глобал аҳамиятга эга ташаббус деб биламан. Ушбу лойиҳа бошлангач, қисқа вақтда юртингизда яшил майдонлар ҳудуди кескин кўпайди. Бу борада ҳайратланарли натижаларга эришилди.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш борасидаги саяё-ҳаракатларини алоҳида эътироф этишимиз керак. Ўзбекистон



**Исмоил БЕЛЕН,  
БМТнинг Ўрмонлар бўйича форуми раиси**

мазкур йўналишда халқаро ҳамкорлик борасида ҳам илгор. Мамлакатимизнинг етакчиси доим барчамиз учун зарур ва фойдали бўлган долзарб ташаббусларни илгари сурлади. Ўзбекистондаги очиқлик ва тинчликсеварлик сиёсати бу ташаббусларни тўла қўллаб-қувватлаб, амалга оширишда жуда муҳим роль ўйнапти.

БМТ Ўзбекистоннинг барқарор ўрмон бошқаруви ва ерлар деградациясига қарши курашишдаги ташаббусларини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Бу борада Ўзбекистон каби тез ривожланаётган мамлакат билан ҳамкорлик қилиш биз учун қувонарли. Ўйламанки, юртингиздаги бундай хайрли ташаббусларни бутун дунёга тарғиб этишимиз керак. Зеро, “Яшил макон” бутун дунё бўйлаб йиллик ҳаракатга айлансин.

## Муносабат

# ДАРАХТ ЭКИШ МИНГ ЙИЛЛИК ҚАДРИЯТ

**Кўчат экиш, боғ яратиш — ҳалқимизга хос эзгу амал. Зеро, ота-боболаримиз азалдан фарзандли бўлганида дарахт эккан. Ушбу қадрият элу юртга ҳар жиҳатдан манфаатли бўлгани учун ҳам авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Чунки экилган ҳар туп ниҳол вақт ўтиб мўл ризқ улашади, меvasизлари ёшлар учун қурилажак янги уйлارга устун бўлади. Қолаверса, илдири атрофидagi ерда намлик сақлаши, сояси буғулини камайитириши каби хусусиятлари ҳисобига микроклим барқарорлиги, атроф-муҳит мусавволигини сақлашга хизмат қилади. Бу, айниқса, табиат инжикликларини, долзарб экологик муаммоларнинг салбий таъсири ортуб бораётган ҳозирги мураккаб шароитда жуда муҳим.**

Шу маънода Президентимизнинг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 108 гектар майдонда Миллий дендрология боғини ташкил қилиш борасида бошлаб берган ибратли ишлари она дийёримиз тараққиёти йўлида янги имконият эшикларини очди дейиш мумкин. Бу ердаги “яшил” университети ҳудудини “илм — лойиҳа — амалиёт” занжири асосида барпо этилаётган “in vitro” лабораторияси, Доривор ўсимликлар ҳамда Уруғчилик ва селекция марказлари ҳам шу йилнинг ўзида ишга туширилиши айтилмоқда.

Яхши ниятда экилган ҳар бир кўчат бу — ҳаёт, бу — тоза ҳаво, бу — соғлом муҳит, бу — келажак. Давлатимиз раҳбарининг ушбу теран мазмунли сўзлари ҳар бир юртдошимиз учун амалий ҳаёт дастурига айлансин лозим. Бу йўлда маҳалла раислари, нуруний



**Мавлудахон МАМАДАЛИЕВА,  
Ёёёвон туманидаги  
“Бувижонлар мактаби” аъзоси**

отахон ва онахонларимиз, хотин-қизлар вакиллари ҳамда барча фаолларга мурожаат қилиб, жойларда миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизни янада кенг тарғиб қилишга чақирдик. Бу бежиз эмас, албатта.

Жорий йилдан ҳар бир ҳудудда “яшил” техникумлар фаолияти йўлга қўйилиб, дуал



таълим асосида йилгига 10 минг мутахассис тайёрланади, ботаника ва дендрология боғлари техникум ўқувчилари учун амалиёт базаси, илмий ҳодимлар учун эса тадқиқот майдонига айланади.

Ҳудудларда яшил боғлар яратиш бўйича аҳоли ва депутатлар иштирокини янада кенгайтириш мақсадида бу борадаги лойиҳалар учун ажратилаётган маблағлар миқдорини оширилади. Буларнинг замирида табиат ва Она Ватанга муҳаббат туйғуси муҳимдир.

Ҳар бир кўча, хонадон ва йўл бўйларига ниҳол қадаш, қир-адирларга дарахт ва бута





Март сарҳисоби

МИЛЛАТ ТАФАККУРИНИНГ АСОСИ:

ТИНЧЛИК, ЭЗГУЛИК, БИЛИМ ВА МАЪРИФАТ



Нодир МАҲМУДОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланиши 1-бтда

Зиё таратувчи қутлуғ масканлар

Ўзбекистон Республикаси Президентини 18 март кунини ҳудудларда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари, соҳалардаги лойиҳалар билан таништириш ҳамда янгиликларини ишга тушириш, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича навбатдаги устувор вазифаларни белгилаш мақсадида Самарқандга борди. Ташрифининг иккинчи кунини давлатимиз раҳбари юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва фаровонлик нафаси, муборак Рамазон ҳайити ҳамда Наврўз байрами шукуҳига ҳамоҳанг равишда вилоятдаги қатор диний-маърифий йўналишдаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Имом Бухорий мажмуаси нафақат Самарқанд ёки Ўзбекистон, балки бутун дунё мусулмонлари учун табаррук манзиллардан. Чунки буюк муҳаддис яшаган давр вақт нуқтаи назардан ҳам, замон нуқтаи назаридан ҳам узоқ ўтмишга эга. Аллома яратган мактаб, таълим, илм, катта маърифий мерос ҳеч қандай вақтга бўйсунмайди. Зеро, у умрини бағишлаган илм барҳаёт.

Президентимиз Самарқанд вилояти Пай-арик туманида қайтадан бунёд этилган ушбу мажмауда ҳам бўлди. Зиёратгоҳнинг қоқ марказидан буюк ҳадисшунос бобоимизнинг мақбараси ўрин олган. Давлатимиз раҳбари мақбарани зиёрат қилди. Қурбон оятлари тилов этди, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Самарқанд вилояти Пай-арик туманида қайтадан бунёд этилган ушбу мажмауда ҳам бўлди. Зиёратгоҳнинг қоқ марказидан буюк ҳадисшунос бобоимизнинг мақбараси ўрин олган. Давлатимиз раҳбари мақбарани зиёрат қилди. Қурбон оятлари тилов этди, — деди давлатимиз раҳбари.

Мажмуа мамлакатимиз етакчиси ташаббуси билан буюк муҳаддис бобоимизнинг ислом оламидаги юксак мавқеи, улкан салоҳиятига муносиб тарзда қайтадан бунёд этилди. Зиёратчиларга ҳар томонлама қулай шароит яратилди.

**ФАКТ.** Мажмуа ҳузурда туризм маркази очилди. Ёндош 15 гектар майдонда замонавий инфратузилма яратилиб, шинам меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш ва сервис нуқталари барпо этилди. Жумладан, 1 та тўрт юлдузли, 2 та уч юлдузли меҳмонхона, 22 та 176 ўринли оилавий меҳмон уйи ҳамда автотурагоҳ қурилган. Имом Бухорий мажмуаси илгари бир кунда 12 минг зиёратчига хизмат кўрсатган бўлса, ҳозир кунига 65 минг зиёратчинини қабул қилиш қуввати эга. Майдони 45 гектарни ташкил этади. 10 минг кишига мўлжалланган ушбу мажмада, мамурият биноси, 154 устанлик, миллий услубдаги муҳташам айвон қурилди. Қадимодаги 14 та мавий тумбаз, 75 метрли 4 та минаора ултувгор қиёфа бағишлаб турибди.

Уйғониш ва руҳий покланиш рамзи

Наврўз арафасида мамлакатимизда Рамазон ҳайити кенг нишонланади. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон таълимига қўйиб, юртдошларимизни эзгулик, меҳр-оқибат ва соҳоват айёми билан чин қалбдан самимий муборакбод этди. Табриқда кейинги йилларда шакланган анибана мувофиқ, мамлакатимизда Рамазон ойини муносиб ўтказиш бўйича бу йил ҳам халқимиз билан биргаликда қўйиб қайрилиш ишлари бажарилгани тасдиқланди.

“Авалло, махсус қарор асосида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кейинги 35 йилда биринчи марта 1 триллион сўм маблаг ажратилиб, муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, беморларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш каби эзгу ишларга сарфланганини тасдиқлаш лозим. Хусусан, 450 миллиард сўм 600 миңдан зиёд эҳтиёжманд оилаларга моддий кўмак тарихида йўналтирилди. Бундан ташқари, ижтимоий

реестрдаги даволаш режалаштирилган 6000 нафар беморга тиббий ёрдам кўрсатишмоқда, жумладан, оғир касаллар операция йўли билан даволанмоқда”, деди давлатимиз раҳбари.

Юртдошларимиз 20 март кунини Рамазон ҳайити намозини адо этди. Ибодат чоғида юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, фаровонлик ва барқарорликни намойён этгани ҳақиқат бўлиб, жаҳоннинг турли ҳудудларидаги уруш ва низолаз тезроқ барҳам топиб, барча халқ тинчлик ва барқарорликда ҳаёт кечиршини тилаб дуолар қилинди.

Шунингдек, 19 март кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Наврўз умумхалқ байрами ва муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга сох эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларини намойён этгани ҳақиқат бўлиб, давлатимиз юрифтаган инсонпарварлик сийосатининг амалий тасдиғи сифатида “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнглидан пушаймон бўлган ва тузалаш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларини афв этиш тўғрисида”ги фармони имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнглидан пушаймон бўлган ва тузалаш йўлига қатъий ўтган 392 шахс афв этилди. Афв этилганларнинг 223 нафари асосий жазодан тўлиқ озод қилинди, 82 нафари жазони ўташдан муздати-дан илгари шартли озодликка чиқарилди, 34 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

21 март кунини “Янги Ўзбекистон” боғида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Президентимиз иштирок этиб, бутун халқимизни қутлади. Давлатимиз раҳбари миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир юртдошимизни рози қилиш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлидаги ишлар янги босқичга кўтарилганини тасдиқлади. Бу йил байрам “Наврўзга улугулаш — инсонни улугулашдир!” деган гўя асосида ўтаётгани ҳам ана шу эзгу мақсадларнинг амалий ифодаси эканини қайд этди.

Минг йиллар давомида халқлар ўртасида маънавий кўприк бўлиб келаётган Наврўзнинг тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик гоялари бутунги нотинч замонда янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Юртимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ушбу байрамни бир бўлиб, шоду хуррамлик билан нишонламоқда. Ана



ўтказишдаги ҳиссаси алоҳида эътироф этилди. Юксак ватанпарварлиги, фидойий меҳнати билан республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий салохиятини оширишга қўшаётган ҳиссаси учун турли миллатта мансуб юртдошларимизга миннатдорлик билдирилди.

**ФАКТ.** Юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона, аҳил оила бўлиб яшаб келмоқда, 157 та миллий маданий марказ фаолият юритмоқда. Бу хилма-хиллик кўп асрлик тарихий жараёнлар натижасида шакланган ноёб ижтимоий ҳодисадир.

Аёллар эъзозда ва ҳимояда

Мамлакатимизда инсон қадрини улугулаш, айниқса, аёллар ва болаларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кейинги йилларда изчил ва тизимли тус олди. Эрта ниҳон, эрта ёшдаги туғуруқ ҳамда



шундай аҳиллик ва тотувлик янги Ўзбекистонни биргаликда барпо этишнинг энг ишончли кафолати бўлиб майдонга чиқди.

Мамлакатимиз етакчиси шу кунини пойтахтимизнинг Яқкасарой туманидаги Миллий маданий марказлар павильонига ташриф буюрди ҳамда юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари билан мулоқот қилди.

Дўстлик боғи ҳамда Миллатлараро муносабатлар ва хоржий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси биносига тушадиган майдонда барпо этилган, 22 миллатнинг ўзинга сох архитектураси ақс этган павильон юртимизда миллий маданиятларини ривожлантириш, миллатлараро тотувликни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, шу орқали ёш авлодин бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашга давлат сийосатининг муҳим йўналиши сифатида қаралаётганининг ёрқин тасдиғидир.

Бу ерда қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқирд ўтовлари, корей, беларус, украин, грек, олмон, дунган, поляк, ахдий, грузин, арман, татар ва қрим-татар, уйғур, турк, тожик, хитой, рус ҳамда озарбайжон халқларининг икки қаватдан иборат дўстлик уйлари жойлашган.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир миллий маскан фаолияти билан танишди. Иштирокчилар билан самимий мулоқот қилди. Учрашувлар чоғида миллий-маданий марказларнинг умумхалқ байрамларини юксак руҳда

кўрсатиш, давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, шунингдек, самарали меҳнати, бой билими ва тажрибаси билан юртимиздаги кенг кўламли ислохотлар жараёнида фалол қатнашиб, янги Ўзбекистонини барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида алоҳида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган хотин-қизларни муносиб тақдирлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони имзолади.

Унга қўра, давлатимизнинг “Ўзбекистон Республикаси халқ шoirи” фахрий унвони, “Меҳнат шухрати”, “Дўстлик”, II даражали “Соғлом авлод учун”, II даражали “Саломатлик” ордени, “Соғлом турмуш”, “Социал хизматлари учун”, “Кегажак бунёдкори”, “Шухрат” медали каби юксак мукофоти ўз эгаларига тантанали топширилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари “Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзининг иқтидори, муҳим гоя ва ташаббуслари, ибратли амалий ишлари ва эришган ютуқлари билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган қизларининг ҳам муносиб рағбатлантирди.

6 март кунини Кўксарой қароғоҳида бўлиб ўтган байрам тадбирида Президентимиз турли соҳалардаги меҳнати, истеъдоди ва ақл-заковати билан янги Ўзбекистонни барпо этишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган аёлларимизга, халқро майдонларда Ватанимизни дунёга тараннум этаётган қизларимизга, уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийларига самимий миннатдорчилик билдирилди.

— Янги Ўзбекистонни аёллари ҳаётдан рози бўлиб, бахтли-саодатли ишайдиган мамлакат айлантириш — менинг энг катта ниъятим. Ишончим комил, сиздек фидойий, шажоатли, меҳнатқаш аёлларимиз, бутун халқимиз билан бирга эзгу мақсадларимизга, албатта, эришамиз! — деди давлатимиз раҳбари. Зеро, бу эзгу мақсад бутун мамлакатимизда кечаётган ислохотлар мазмунида ўз аксини топапти.

**ФАКТ.** Хотин-қизлар ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар халқро майдонда ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Парламентлараро Иттифоқнинг “Парламентдаги аёллар” рейтингига 92 поғона юқорилаб, 36-ўринни эгаллади. “Теңдер тенглик ва бошқарув” индексида мамлакатимиз 103-ўриндан 52-ўринга кўтарилди. Жаҳон банкнинг “Аёллар, бизнес ва қонуни” индексида эса 43 поғона юқорилаб, 48-ўринни эгаллади.

Энг ёқимли калом

3 март кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёев ҳузурда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказилди. Унда юртимиз мудофаа салохиятини янада мустаҳкамлаш, ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш масалалари, шунингдек, жорий йил 13 январь кунини Хавфсизлик кенгашининг қайтарилган йиғилишида белгиланган устувор вазифалар ижросининг бориши кўриб чиқилди.

Дунёда кескинлик ва можаролар ўчоқлари сақланиб қолаётгани, геосийсий раёбаот кучайиб, янги хатар ва таҳдидлар хавфи ортиб бораётгани тасдиқланди. Айрим минтақалардаги ҳарбий ҳаракатлар жиддий гуманитар ва иқтисодий оқибатларга олиб келаётган нотинч халқро вазият шароитида мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз 4 март кунини Ўмон, Бирлашган Араб Амирликлари, Қувайт, Қатар, Баҳрайн, Йордания етакчилари билан телефон орқали суҳбатлашди. Мулоқотларда Яқин Шарқдаги ҳозирги мураккаб вазият муҳокама қилиниб, юзга келган беқарорлик жиддий ташвиш уйғотаётгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Яқин Шарқ мамлакатлари етакчилари билан суҳбатда Ўзбекистон ҳар қандай қарама-қаршилик ҳамда зиддиятчи сийсий-дипломатик ва тинч йўл билан, музокара орқали ҳал қилишнинг қатъий тарафдори эканини билдираркан, мулоқотлар чоғидаги муҳим бир сийсий аспект бизни алоҳида ҳаяжонга солди, қалбимиз тўқилди.

Президентимиз телефон орқали суҳбатларда бу мамлакатларда бўлиб турган Ўзбекистон фуқароларининг тақдирини, хавфсизлигини, саломатлигини ҳақиди суради. Юртдошларимизни Ватанга қайтариш масалалари муҳокама қилиниб, шу мақсадда қўриладиган чора-тадбирлар учун алоҳида миннатдорлик билдирилди.

Таҳликали ҳудудларда қолиб кетган юртдошларимизни Ватанга қайтариш бўйича Президентимизнинг шахсан ўзи тегишли идоралар раҳбарларига кўрсатмалар бергани, бу масалага ҳуқуқат даражасида эътибор қаратилиши кераклигини айтгани ва ниҳоят шу кунга қадар минглаб юртдошларимиз тинч-осойишта, файзли, азиз заминимизга соғомон олиб келингани ҳар биримизга меҳр ва бирдамлик туйғуларини жўш урдирди.

Шунингдек, мамлакатимиз етакчиси Озарбайжон Президенти билан ҳам телефон орқали мулоқот қилди. Фуқароларимизни Эрондан Озарбайжон ҳудуди орқали хавфсиз эвакуация қилиш бўйича қўриладиган чоралар ва яратилаётган шароитлар учун Илҳом Алиевга миннатдорлик билдирилди.

Бир рубонинг икки тори

Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги алоқалар мустаҳкам тарихий илдизларга эга. Бир ўзандан сув ичган халқларимиз тарихи, тақдирини тутан, урф-одатлари, қадрият унаналари яқин, мақсадлари муштарак, азалдан қанда-андалик, қариндошлик алоқалари мустаҳкамланиб келган. Асрий алоқалар янги Ўзбекистон шароитида замонавий босқичда янги мазмун билан бойиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари изчил кенгайиб, сийсий мулоқот билан бир қаторда савдо-иқтисодий, транспорт ва гуманитар соҳаларда ҳам аниқ натижаларга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақлифига Биноам Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон 26-27 март кунлари давлат ташрифини билан мамлакатимизда бўлди. Давлатимиз раҳбари ушбу ташриф икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга муҳим босқич эканини тасдиқлаб, “Бутун биз Олий давлатларро кенгашининг биринчи йиғилишини бошлаб бермоқдамиз. Ушбу формат, шубҳасиз, икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди, Ўзбекистон — Тожикистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини амалий мазмун ва илгор ташаббуслар билан бойитишга хизмат қилади”, деди.

Ташриф доирасида Олий давлатларро кенгаш йиғилиши ўтказилди, икки давлат ўртасида Стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини кенгайтириш тўғрисида қўшма баёнот имзоланди. Шунингдек, етакчилар йирик кооперация лойиҳаларини ишга тушириш маросимида иштирок этиб, 10 та қўшма лойиҳани бошлаб берди.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида Тожикистон элчихонасининг янги биноси очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Президентлар раъсий тасмани кесиб, элчихона ва консуллик бўлимининг маъмурий бинолари, элчи қароргоҳи, дипломатлар ва уларнинг оила аъзолари учун турар жойларни қамраб олган мажмуани кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистоннинг янги қурилган элчихонаси фаолиятига баҳо берад экан, бу даргоҳ икки халқнинг орзуларига хизмат қилсин дея самимий, дўстона тилақларини билдирди. Ушбу тадбир Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга ўзаро интилиш қатъий эканини яна бир бор тасдиқлади.

2024 йил 19 апрелда Президентимизнинг Тожикистонга давлат ташрифини доирасида мамлакатимизнинг Душанбе шаҳридаги элчихонаси янги биносининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтган. Ҳар икки давлатда элчихоналар биносининг янгилашни мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани билан боғлиқ.

Ташрифининг иккинчи кунини Тожикистон Президенти Бухоро шаҳрида бўлди. Мартабали меҳмон давлатимиз раҳбари ҳароҳлигида дастлаб Баҳауддин Нақибанд мақбарасини зиёрат қилди. Сўнг мамлакатлар етакчилари сомониёлар мақбарасига ташриф бурди. Мақбараларга эътибор чоғида Қуръон оятлари тилов қилиниб, ўзаро қатъий раҳмат, юртимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб, дуо қилинди.

**ФАКТ.** Ўтган йили икки мамлакат ўртасида товар айирбошлаш ҳажми, энг аввало, тайёр маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш ҳисобига қарий 1 миллиард долларга етди. 2028 йилга келиб, ўзаро савдонинг 2 миллиард долларга етказиш имкониятлари кўриб чиқилмоқда. Бутунги кунда икки мамлакат пойтахтлари ўртасида авиарейслар, автобус ва поезд қатновлари йўлга қўйилган. Юк ташиш ҳажми жадал ўсиб бормоқда.

Кун тартибда соҳалар ва тармоқлар ривожини

Март ойида Президентимиз иштирокида Хоразм, Сирдарё, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида амалга ошириладиган ислохотлар натижадорлиги ва келгуси устувор вазифалар юзасидан йиғилишлар бўлиб ўтди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳри ва вилоятда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишларини кўздан кечириш, муҳим лойиҳаларини ишга тушириш маросимларида иштирок этди. Хусусан, 16 март кунини Олмалик кон-металлургия комбинати фаолияти, 24 март кунини Янги Тошкентда қад рўстлаётган қатор йирик объектлар билан танишди.

Бундан ташқари, мамлакатимиз етакчиси транспорт инфратузилмасини модернизация қилишга қаратилган йирик лойиҳалар, қишлоқ ва сув хўжалиги учун муҳандис кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, кимё саноатидagi йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, кибержиноятлар ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда илгор технологиялардан фойдаланиш содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган тақдирот қилинди.

Президентимизга нефть ва газ соҳасида белгиланган вазифалар ижросининг ҳолати, нефть-газ тармоғида қазиб чиқариш ҳажминини барқарорлаштириш ва янги захираларни ўзлаштириш бўйича чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳисоботлар берилди. Давлатимиз раҳбари раислигида аҳоли муурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, Халқ қабулхоналари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ва жамоатчилик фикрини чуқур таҳлил қилиш, фармацевтика тармоғида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда соҳага илгор технологияларни жорий этишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган давлезелектор йиғилишлари ҳам бўлиб ўтди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари март ойининг сўнги кунини мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Қозғоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ермеқ Кошербаевни қабул қилди.

**ФАКТ.** Давлатимиз раҳбари Олмалик кон-металлургия комбинатида 3-мис бойитиш фабрикасини ишга тушириш маросимида иштирок этди. Фабрика йилга 60 миллион тонна маъданни қайта ишлаб, 900 минг тоннага яқин мис концентрати ишлаб чиқариш қуввати билан нафақат Марказий Осиёдаги энг йирик мис ишлаб чиқарувчи мажмуалардан бири, балки дунёдаги йирик бойитиш фабрикалари сирасига қиради.

## Давлат дастури амалда

# Берилаётган имтиёзлардан ХАБАРДОРМИСИЗ?

Экологик хавфсизлик ҳақида гап борганида асосий муаммолардан бири сифатида транспорт воситаларидан чиқадиган захарли газлар тилга олинади. Агар битта эскирган автомобилдан чиқадиган тўтун ҳавони қанчалик ифлослантириши, атрофдагиларнинг нафасини бўғишини ҳисобга олсак, минглаб шундай транспорт воситасининг атроф-муҳитга етказадиган зарарини чамалаш қийин эмас. Бугун мамлакатимизда ушбу масалага жиддий эътибор қаратилиб, “экологик транспорт” тизимига ўтилаётгани боиси шунда.

Аввалаги экология ва инсон саломатлиги учун салбий таъсирга эга бўлган, таркибидagi зарарли моддалар сабаб ҳавони жиддий ифлослантириши айtilган А1-80 бензиндан воз кечилди. 2025 йилнинг сентябрь ойидан юртимизда ушбу турдаги бензинни ишлаб чиқариш тўхтатилиб, 1 декабрдан сотувиға тўлиқ чек қўйилди.

2026 йил 1 январдан бошлаб эса барча автотранспорт воситаларини экологик тоифа ва синфларга ажратиш ҳамда улар асосида эко-стикерлар бериш тартиби белгиланди. Яъни тегишли диагностика текширувларидан сўнг транспорт воситасига унинг экологик тоифасини тасдиқловчи электрон маълумотларни ўз ичига олган махсус ёрлиқ ёпиштирилмоқда. Бу оддий қўроз эмас, ҳар бир стикернинг ранги у ёпиштирилган автомобилнинг экология учун қанчалик хавфсиз эканини билдириб туради. Қолаверса, автомобилни бир йилда бир марта диагностика текширувидан ўтказиш орқали унга тегишли тоифадаги сти-

импорт қилиниб, бу борадаги кўрсаткич икки баравардан кўпроққа ошган. Мамлакатимиз бўйлаб электромобиллар сотуви эса 35 фоиз ортгани қайд этилган. Ҳатто бу кўрсаткич бозор ўсишини таъминлаган асосий драйверлардан бири бўлган. Тахлилларга кўра, ўтган йили худудлар кесимида электромобиллар сотувининг асосий қисми Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келган, кейинги ўринларда Самарқанд, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари бўлган.

Чиндан, одамларда ҳам электромобилларга қизиқиш ортиб борапти. Замонавий автомобилбилосизликнинг бу намуналари нафақат бошқаришдаги қулайлиги, балки камҳаржлиги, автомобилни қувватлантириш ёқилги қўйишга нисбатан бир неча баробар арзонга тушиши, асосийси, экологик хавфсизлиги боис, кўпчиликнинг эътиборини тортаяпти. Шаҳар шaroитида бундай автомобиллар кўпайиши юртимизда экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Йўларда электромобиллар кўпайиши учун одамларнинг уни сотиб олишга бўлган тўлов қобилиятини рағбатлантириш лозим. Чунки электр токида ҳаракатланадиган автомобилларнинг нархи арзон эмас. Аксарияти хориждан импорт қилингани боис, божхона тўловлари сабаб нисбатан қimmat баҳоланади.

# 16%



## 16 фоизли АВТОКРЕДИТ

Шу боис, мамлакатимизда электромобилларни сотиб олиш ва улардан фойдаланишда одамларга энгиллик яратиш мақсадида янги имтиёзлар жорий этилмоқда. Асосий ҳаракат имтиёзли автокредитлаш механизмини йўлга қўйишга қаратилган. Бунда электромобил сотиб олиш учун кредитлар ставкаси йиллик 16 фоизга даражада белгиланиш кўзда тутилган. Фоиз ставкасининг белгиланган

чегарадан ошган қисми давлат бюджети маб-ларини ҳисобидан тижорат банкларига компенсация қилинади.

Агар ўтган йилги маълумотларга кўра, мамлакатимизда автокредитлар бўйича ўртача ставка 24,1 фоизни ташкил этганини ҳисобга олсак, электромобиллар учун белгиланаётган 16 фоизли ставка каттагина имтиёздир. Ушбу механизм шу йил

чегарадан ошган қисми давлат бюджети маб-ларини ҳисобидан тижорат банкларига компенсация қилинади.

Агар ўтган йилги маълумотларга кўра, мамлакатимизда автокредитлар бўйича ўртача ставка 24,1 фоизни ташкил этганини ҳисобга олсак, электромобиллар учун белгиланаётган 16 фоизли ставка каттагина имтиёздир. Ушбу механизм шу йил

1 сентябрдан амалиётга киритилиши режалаштирилган. Биринчи босқичда 15 минг фуқарога электромобил сотиб олиш учун йиллик 16 фоиз ставкада автокредитлар ажратилади.

Шаҳар йўлларда электромобиллар кўпайиши уларни қувватлантириш станцияларига талабни ҳам оширади. Электромобил бошқариладиган йили билади, яқин вақтгача бундай станцияларнинг нисбатан камлиги сабаб узоқ навбат куттишга тўғри келарди. Бу одатда қувватлаш вақтининг кўп давом этиши билан ҳам боғлиқ. Масалан, узоқ мuddатли қувватлантиришда битта автомобиль тўла қувватланиши учун 8 соат вақт талаб этилади. Тезкор қувватлантиришда эса бу 1 соатга тенг.

Аммо кейинги йилларда жаҳонда бу йўналиш тобора такомиллашиб, электромобилни 15 дақиқада қувватлантириш станциялари пайдо бўлмоқда. Юртимизга ҳам қувватлаш станциялари кириб келиши кўпайган, ҳатто ўзимизда ишлаб чиқариляпти. Масалан, биргина пойтахтимиздаги “Тошэлектроаппарат” МЧЖда йилгига 5 минг донадан 10 минг донагача ҳар хил қувватдаги зарядлаш станциялари ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Корхона бўлим бошлиғи Умид Ахмадовнинг айтишича, янги пайтда юртимиз бўйлаб 70 та объектда ушбу завод томонидан ишлаб чиқарилган 100 дан ортқ зарядлаш станцияси ўрнатилган.

Ана шундай корхоналарга қулайлик яратиш ҳамда электромобилларни қувватлантириш инфратузими яратиш бўйича ҳам давлат дастурида аниқ вазифалар белгиланган. Хусусан, жорий йил 1 майдан тадбиркорларга қувватлантириш станцияларини ташкил этиш учун йиллик 10 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар ажратилиши, ер участкалари аукцион орқали бозор нархидан икки баравар арзон нархда сотиб олиш имкониятини яратиш бошланади.

Чунки электромобиллар сони кун сайин ортиб борапти, демак, зарядлаш станцияларига ҳам талаб ошади. Шу боис, жорий йил 1 майга қадар юртимизда

электромобилларни қувватлантириш станциялари сонини 4 мингтага етказиш белгиланган. Ўтган йилнинг шу даври ҳолатида уларнинг сони 1399 та эди.

Бугунгача ушбу йўналишда иш бошлашни мақсад қилган тадбиркорларни кўпроқ ер масаласи қийнаб келарди. Яъни шаҳар маркази, автомобиль серкатнон манзилларда ер нархи анча қimmat. Четрoқ жойларда эса станциядан фойдаланувчилар сони кўп бўлмастлиги мумкин. Станциялар учун ер нархлари арзонлаштириб берилаётгани эса ишбилармонлар учун ани муddоо бўлади.

Зарядлаш станциялари бўйича имтиёз ва қўллаб-қувватлов фақатгина тадбиркорлар учун эмас. Аҳолига ҳам бу борада яхшигина имтиёзлар белгиланган. Яъни автомобиль эгалари учун электр қувватлантириш харajatларини субсидиялаш ва бюджетдан компенсация қилинадиган имтиёзли кредитлар ажратиш чоралари қўрилади. Масалан, энди электромобилларни қувватлаш станцияларида қувватлаш вақтида 1 киловатт-соат электр энергияси нархининг 300 сўмдан ошган қисми давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилади. Бугунги кунда тарифлар 1 киловатт-соат учун 1800 сўмдан 2200 сўмгача ўзгариб туради. Агар 1800 сўмлик тарифда ҳисобласак, электромобил эгаси автомобильни қувватлаш учун 1 киловаттга 300 сўмдан тўлаган тақдирда қолган 1500 сўмини давлат қоплаб беради. Бу давлат тўловининг беш баробардан кўпрогини тўлаб беришни ўз зиммасига олапти дегани.

Бундай имтиёз электромобилдан фойдаланиш харajatларини янада арзонлаштиради. Аслида, ҳозир ҳам бу харajatлар ёқилгида ҳаракатланадиган автотранспорт воситалариникидан анча арзон. Шаҳсан ўзим оdatда электромобилни 130 минг сўмга тўла қувватлантириб, шу билан камда беш кун харакатланишим ҳақида айтсам, кўпчилик хайратда қолади. Ҳисоблаганимда, бу бошқа автомобильнинг харajatидан бир неча баробар камлиги қўрилади. Энди бунинг ҳам катта қисми давлат томонидан субсидия асосида қоплаб берилиши харajatларини янада камайтиради.



# ЭНДИ ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ ОЛИШ ОСОНЛАШАДИ

кер берилгач, унинг худудларда ҳаракатланиши ҳам шу асосда белгиланади.


Бу шаҳар шaroитида эскирган, техник талабларга жавоб бермайдиган, атроф-муҳит учун зарарли таъсирга эга автомобиллардан бирин-кетин воз кечишга қаратилган ҳаракатларнинг бир қисминдир. Шу боис, жорий йил 1 февралдан бошлаб яна бир муҳим чора белгиланди. Яъни юртимизда ишлаб чиқарилганга 50 йил ва ундан кўп бўлган автомобиллардан фойдаланиш ҳамда уларни қайта рўйхатдан ўтказиш тегишли қарор билан тақиқланди. Антиквар автомобиллар учун эса алоҳида серияли давлат рақам белгилари жорий этиладиган бўлди.

Аммо “экологик транспорт” тизимининг асосий мақсади инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга зарар келтирадиган эски автомобиллардан воз кечишдангина иборат эмас, балки уларни экологик тоза транспорт воситаларига алмаштириш, шаҳар шaroитида электромобиллардан фойдаланишни рағбатлантиришга қаратилган.

Бундан бир неча йил илгари бу ҳақида гапирилса, ўринсиз кўринарди. Чунки юртимизга электромобилларни олиб кириш ва фойдаланиш кўрсаткичи ниҳоятда кам бўлган. Қолаверса, ушбу турдаги автомобиллар ҳам амалиётда синонимиздан ўтиб, ишончимизга кирмаганди ҳали. Бугун эса талабга яраша таклиф етарли, маҳаллий асосдаланган электромобилларнинг ҳар қандай турини топиш мумкин. Одамлар орасида ҳам бундай автомобиллар яхшигина оммалашди.

Маълумотларга кўра, 2025 йилда Ўзбекистонга 57 мингта яқин электромобил

Шу боис, Ўзбекистонда электромобиллар инфратузими яхшилаш ва “яшил транспорт”ни рағбатлантириш бўйича янги чора-тадбирлар қўриляпти. Президентимизнинг тегишли фармони билан қабул қилинган 2026 йилги давлат дастурида бу борадаги аниқ вазифалар кўрсатилган. Унда имтиёзли автокредитлар, субсидиялар ва солиқ чегирмаларидан тортиб, электромобилда такси қиладиганлар учун энгилликлар, қувватлаш станцияларидаги тарифларни пасайтириш каби ислохотларни амалга ошириш мuddатларига кўрсатиб берилган.



УШБУ МАҚОЛАНИ  
КОРАКАЛПОҚ ТИЛИДА  
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН  
QR-КОДИНИ СКАНЕР  
ҚИЛИНГ!

Шунинг учун ҳозир такси хизматларида электромобиллардан фойдаланиш оммалашиб борапти. Арзон сарф-харажат кўпроқ даромад қилиш имкониятини беради. Қолаверса, буюртмачиларнинг ўзи ҳам кўпроқ электр токида ҳаракатланадиган автомобилларни чақираётгани кузатилмоқда. Бу ушбу турдаги транспорт воситаларининг энгил, шовкинсиз ҳаракатланиши, машина салонидан бензин ҳиди келиб турмаслиги, ўзидан зарарли тўтун чиқариб, ойнани ёпиб ўтиришга мажбур қилмаслиги каби омиллар билан боғлиқ бўлса керак. Ҳар ҳолда юртдошларимиз электробўсларга ҳам, электромобилларга ҳам анча ўрганди. Демак, талабга яраша таклифни ошириш керак.



## СОЛИҚДАН ЧЕГИРМА

Ўтган йили бир танишим ўзини ўзи банд қилган фуқаро сифатида рўйхатдан ўтиб, таксичилик фаолияти билан шуғулланиш ҳа-ракатиға тушди. Иш бошлашдан аввал таксичилик лицензиясини олиш зарурлиги ва унинг харажати нари-бериси билан 700 минг сўмдан ошшини оғриниб айтди. Аммо бир мuddат ўтгач, лицензияни муtлақ текин олганини қувониб гапирди. Гап шундаки, танишим электромобиль бошқарарди ва бу турдаги транспорт воситалари эгаларига лицензия олиш бепул экан.

Сал оддирoқ ўзим ҳам электромобилнинг давлат рақам белгисини алмаштирганимда, рўйхатдан ўтиш жараянлари учун талаб этиладиган харajatлар ёқилгида ҳаракатланадиган автомобилларга нисбатан икки баробар арзон эканини қўриб хайрон қолганим. Ушунда мамлакатимизда “экологик транспорт” тизимини рағбатлантириш алақачон амалда қўлланылаётгани, фақат бу ҳақида кўпчилик белгислиги ҳақида ўйлагандим.

Давлат дастури билан бу имтиёз янада кенгайтирилмоқда. Жорий йилнинг 1 мартдан

юртимизда кучга кирган янги механизм — электромобилда такси фаолияти билан шуғулланувчи ўзини ўзи банд қилган шахсларни рағбатлантириш шулардан яна бири. Энди кўзда тутилган қатор имтиёзлар сабаб электромобиль эгалари учун таксичилик қилиш янада осонлашиб, даромадини йўналишга айланади.

Аввало, электромобилларда такси хизмати кўрсатувчи ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун иктимой солиқнинг белгиланган ставкасига 10 фоиз чегирма берилмоқда. Шунингдек, уларга давлат ташкилотларига тегишли, жумладан, аэропортлар ва вокзаллар ҳудудидаги авто-рароҳлардан 30 дақиқа давомда бепул фойдаланишга рўхсат этилади. Қондабузарлик ва ИТХ содир этмасдан 1 миллион километр масофада такси хизмати кўрсатган фуқароларга эса “Табиат ҳимоячиси” кўрак нишон топширилади.

Шу тариқа 2026 йил якунига қадар электромобилларда ишлайдиган таксичилар сонини 300 минг кишига етказиш кўзда тутилган. Солиқ қўмитасининг февраль ойидаги маълумотларига кўра, таксопаркдаги электромобиллар улushi 1,9 фоизни (12,1 мингта) ташкил этади. Демак, илги охиригача уларнинг сонини 25 баравар ошириш керак.

Бу аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишга ҳам хизмат қилади. Қолаверса, юртимиз кўчаларида электромобиллар сони ортиши ҳисобига атмосфера ифлосланиши 7 фоиз камайиши кутилмоқда.

Ирода ТОШМАТОВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимиз раҳбарлигида шу йил 4 февраль куни Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифалар йиғинига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда ўтган йили бажарилган ишлар сарҳисоб қилинган ҳамда жорий йил аҳоли манфаати, фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган устувор вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти тажрибаси асосида “Фарғона инвест компанияси” акциядорлик жамияти ташкил этилади. У орқали давлат иштирокини босқичма-босқич камайитириш, хусусий капитални кенг жалб қилиш ва активларни профессионал бошқариш механизми йўлга қўйилади.

Вилоятта халқаро молия бозорларида ишонч ортиб бормоқда. “Standard & Poor’s” халқаро рейтинг агентлиги Фарғона вилоятига “BB – барқарор” рейтингини берди. Ҳозир “Moody’s” агентлиги билан ҳам худудий рейтингни белгилаш бўйича амалий ишлар давом эттирилмоқда. Худудда ижтимоий-иқтисодий ва тадбиркорлик фаолияти учун замин ҳозирлаш мақсадида халқаро молия институтларидан 300-500 миллион АҚШ

# ФАРҒОНА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

## Фаровонлик харитаси



Гулчехра ЖўРАЕВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

“Янги Ўзбекистон қиёфаси” лойиҳаси доирасида 30 та маҳаллага 150, камбағаллик даражаси юқори 110 маҳаллага эса 220 миллиард сўм ажратилди. Кўшимча равишда

маҳаллий бюджет ҳисобидан 110 миллиард сўм йўналтирилади. Ҳар бир маҳалла бўйича “солиштирма устунликлар” аниқланиб, ажратилган маблағдан энг самарали йўналишларда фойдаланилади. Қува тумани “Қақир” маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли фаровонлиги, худудлар ободлиги йўлида амалга оширилган тажриба бунга аққол мисол бўла олади. Бу ерда давлат ажратган 7 миллиард сўмга жавобан маҳаллий тадбиркорлар 70 миллиард сўмдан ортқ инвестиция киритди.

Айниқса, махсус санаот зоналари қурилиши учун 1077 текстар ер ажратилганини фарғоналик тадбиркорлар катта миннатдорлик билан қабул қилди. Бу қулайлик вилоят санаоти салохиятини кескин ошириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариши учун кенг имкониятлар олади.

Жорий йилнинг ўзида 1424 лойиҳа ишга туширилиб, 4,2 миллиард доллар инвестиция ўзлаштирилди ҳамда 52 мингта янги иш ўрни очилди. Бу ўтган йилга нисбатан 1,1 баробар кўп демакдир.

Тошлоқ туманида Хитой сармоясига “Farg’ona metallurgiya zavodi” қўшма корхонасида 120 миллион долларлик поли-

мер қопламали рухланган пўлат рулонлар ишлаб чиқариш лойиҳасига амалга оширилмоқда. Кўкон шаҳрида АҚШнинг “Biologic International” компанияси билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини қайта ишлаш бўйича 450 миллион долларлик лойиҳа ишга туширилади.

Вилоятнинг экспорт салоҳиятини янги босқичга кўтариш, экспорт ҳажмини 1,6 миллиард долларга етказиш режалаштирилган. Бу ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар ўсишни таъминлайди. Санаот йўналишида 317 корхонанинг маҳсулотлари ташқи бозорларга чиқарилиб, санаот экспорти қиймати 830 миллион долларга етказилди. Хусусан, Хитой бозорига чиқиш бўйича аниқ инфратузилма ва логистика заңжирлари яратилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти 4 баробар оширилди. Қурилиш ва инфратузилма соҳасида 204 кўп қаватли уй-жой қурилиб, 10 минг 957 хонадон аҳолига топширилади. Шунингдек, 839 километр автомобиль йўли таъмирланади, электр, газ, ичимлик ва оқова сув тармоқлари реконструкция қилинади. Жамoат транспортини ривожлантириш доирасида 125 та янги автобус харид қилиниб, янги йўналишлар очилди. “Яшил” иқтисодийёт тамойили асосида 4272 та объектга қуёш панели ўрнатилиб, 42,4 миллион киловатт-соат муқобил электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Ҳозир Фарғона туманида Хитойнинг “China Everbright Environment Group” компанияси иштирокида чиқиндиларни термик қайта ишлаш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш лойиҳаси жадал амалга ошириляпти.

Қишлоқ хўжалигида даромад ва ҳосилдорлик устувор соҳага айланади. Сув хўжалигида “ақли” технологиялар жорий этилиб, интенсив боғ ва аквакультура лойиҳалари амалга оширилиши ҳисобига фермерлар даромадини камда 1,5 баробар ошириш мақсад қилинган. Бу йил 371,5 минг гектар майдондаги экинлардан 7,2 миллион тонна маҳсулот олиш мўtлажалланган.

Таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларида хусусий сектор иштирокини кенгайтириш орқали хизматлар сифати янги босқичга олиб чиқилди. Мактабгача таълим қамрови 87,4 фоизга, аҳолининг спорт билан мунтазам шуғулланиши 32,5 фоизга етказилди. Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида 306 миллион долларлик замонавий кўп тармоқли шифохона, юқумли касалликларни даволаш марказлари ва тиббиёт кластерлари ташкил этилади.

Турizm худудий ўсишининг муҳим соҳаларидан бирига айланган. Бу йил вилоятта 3,5 миллион сайёҳни жалб этиш орқали туризм экспорти қиймати 187 миллион долларга етказиш чоралари белгилаб олинган. Шу мақсадда янги халқаро авиақатновлар, 5 та йирик туризм зонаси, “Фарғона” туристик-рекреацион худудди ва халқаро фестиваллар ўтказиш орқали сайёҳлар оқими сезиларли ортади.

Юқсалиш палласи



# ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

## МАМЛАКАТИМИЗ ИНДУСТРИАЛ САЛОҲИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Янги Ўзбекистон тараққиётнинг замонавий босқичида миллий иқтисодий тармоқларини модернизация қилиш, саноатни юқори кўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтириш ҳамда глобал рақобат муҳитига мослаштириш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Бу жараён муҳандис-техник кадрларга эҳтиёжни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқмоқда. Айниқса, тоғ-кон металлургия саноатида кенг қўламли инвестиция лойиҳалари амалга ошириляётгани мазкур эҳтиёжнинг амалий ҳосиласидир.



Ўткир **ХОЛИҚУЛОВ**,  
Олмалиқ давлат техника  
институтининг ректори,  
техника фанлари доктори

Айни пайтда 200 га яқин талаба дуал таълим дастурида доирасида саноат корхоналарида амалий тайёргарликдан ўтмоқда. Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг Мис эритиш заводи, Қалмоққир кон бошқармаси, 2-мис бойитиш фабрикаси, Марказий таъмирлаш механика заводи сингари бир неча корхонасида металлургия, кончилик иши, кончилик электр механикаси, машинасозлик технологияси каби қатор йўналишларда дуал таълим дастурлари асосида амалий машғулотлар ўтиляпти.

Институтнинг ишлаб чиқариш билан интеграцияси институционал даражада мустаҳкамланган. Йирик саноат корхоналарида кафедра филиаллари ташкил этилган таълим жараёнини бевосита ишлаб чиқариш ҳудудида амалга ошириш имконини бермоқда. Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг йирик ишлаб чиқариш корхоналарида институт мутахассислик кафедраларининг 17 та филиали очилган. Бу эса талабаларнинг реал технология жараёнларида иштирок этиши, назарий билимларни амалиётда мустаҳкамлаши, ишлаб чиқариш интизоми, жамоада ишлаш ва касбий масъулият каби муҳим компетенцияларни шакллантиришида катта ўрин тутаяди.

Шунингдек, корхона мутахассисларининг таълим жараёнига фаол жалб этилиши ҳамда ўқув дастурларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мувофиқ мунтазам такомиллаштирилиши таълим сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Натижада битирувчиларнинг меҳнат бозоридagi рақобатбардорлиги сезиларли даражада ошишига эришилди. Айниқса, дуал таълим тизими замонавий саноат тараққиёти талабларига тўлиқ жавоб берадиган, амалий кўникмаларга эга ва рақобатбардор муҳандис кадрлар тайёрлашда қўл келатди. Мазкур тизимни янада ривожлантириш, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни чуқурлаштириш эса, шубҳасиз, мамлакатимиз индустриал салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Машғулотларга ажратилган. Бу эса талабаларга бевосита ишлаб чиқариш муҳитида билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш имконини бермоқда.



Жумладан, Олмалиқ кон-металлургия комбинатига 3-мис бойитиш фабрикасининг ишга туширилиши мамлакат саноат салоҳиятини янада юқсалитишга хизмат қилувчи муҳим стратегик лойиҳа сифатида баҳоланмоқда. Чунки бундай йирик саноат объектларининг ишга туширилиши иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринлари очиб ва аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омилдир.

Замонавий мажмуа ишга туширилиши натижасида мис концентрати ишлаб чиқариш ҳажми кунлик 2400 тоннадан 5000 тоннага етказилади, 6000 дан ортиқ янги иш ўрни очилади. Энг муҳими, ишлаб чиқариш жараёнига АҚШ, Германия, Россия, Хитой ва Финляндиянинг илгор технологиялари жорий қилинапти. Улар тўлиқ рақамлаштирилиб, сунъий интеллект асосида бошқариладиган тизимга уланмоқда.


Шунингдек, "Ешлик-1" ва "Қалмоққир" конларидаги йирик ҳомаши захираларидан самарали фойдаланиш, илгор технологияларини жорий этиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини рақамлаштириш соҳада юқори малакали муҳандис кадрларга талабни кучайтирмоқда. Бу, ўз навбатида, таълим тизимини ишлаб чиқариш билан узвий боғлаш заруратини юзага келтирди. Шу нуқтага назардан, Олмалиқ давлат техника институтининг таълим жараёни дуал таълим тамойиллари асосида ташкил этилган бўлиб, ўқув юкламасининг 40 фоизи назарий, 60 фоизи эса амалий

Иқтидорли ёшлар — юрт таянчи

# АҚЛИ

## ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ

### 12 Ёшли БЕҲРЎНИНГ ИХТИРОСИ ИС ГАЗИДАН ОГОҲЛАНТИРАДИ



Ҳар бир инсоннинг болалиги ўзига хос кечади. Кимдир кўпроқ спорт билан шуғулланади, кимдир санъат оламида илҳом излайди, яна кимдир виртуал ўйинлар дунёсига шўнғийди ва ҳоказо. 10-12 ёшли аксарият болалар учун бу давр қизиқishлар ва озулар палласи, масъулият ҳақида жиддий ўйлаш эса ҳали эртадек туюлади.

Бироқ бугун мамлакатимизда таълим соҳасига қаратилган юксак эътибор, айниқса, аниқ фанлар, робототехника ва замонавий технологиялар йўналишидаги ислохотлар самараси ўлароқ, шундай ёшлар камол топтоқдаки, улар нафақат орзу қилади, балки жамият учун фойдали гоёлар устида изланишга ҳам бел боғлаган.

12 ёшли Беҳрўз Маҳмудов ана шундай интилувчан ёшлардан. У Зарбдор туманидаги 9-мактабнинг 6-синфида ўқийди, ҳафтада уч кун Жиззах шаҳридаги робототехника тўғрисида қатнашади. Изланувчанлиги, техник тафаккури ва янгилликка чанқоқлиги билан тенгдошларидан ажралиб туради. Атиги етти ой мобайнида робототехника тўғрисида тахсил олиб, қисқа вақт ичда амалий аҳамиятга эга лойиҳа устида ишлашга ва уни муваффақиятли ҳимоя қилишга эришди.

— Биз дарс жараёнида болаларга нафақат механизм ясашни, балки муаммони кўра билиши ҳам ўргатамиз, — дейди устози Сардор Исроилов. — Чунки ҳақиқий иختиро эҳтиёждан туғилади. Шаҳримизда ис газиси сабаб ҳалок бўлган ёш йигит фожияси мени чуқур ўйга солди. Шу воқеадан сўнг ўқувчиларимга мана шундай ҳолатларда инсон ҳаётини асрашга хизмат қиладиган огоҳлантирувчи қурилма яратиш устида ўйлаб қўришларини сўрадим.

Ана шу топириқ Беҳрўзнинг қалбида масъулият ҳиссини уйғотди. У муаммони

ўрганди, тажрибалар қилди, турли вариантларни синаб кўрди ва, ниҳоят, самарали ишлайдиган қурилма яратишга муваффақ бўлди. Ушбу қурилма "Ақли хавфсизлик тизими" деб номланди.

Унинг бу қурилмаси "Instagram" ижтимоий тармоғидаги дунё бўйича технология янгилликларини улашиб борувчи 14 миллион обуначига эга бўлган Wealth, шунингдек, Туркия, Испания, Ҳиндистон, Индонезия ва Саудия Арабистонида ижод қиладиган техноблогларнинг Volkanu7, Oplayemeu, Future.explanation, Gtid.news, Luxuryweb саҳифаларига жойланди ва бирдан машҳурликка эришди. Мамлакатимиздан ташқари турли давлатлардан иختирочилар, ОАВ ходимлари ҳам қизиқиш билдирмоқда. Ҳозир ушбу қурилmani янада мукамаллаштириб, патент олишга ҳаракат қилинапти.

Беҳрўз учун робототехника шунчаки қизиқарли машғулот ёки дарсдан ташқари фаолият эмас. Айтишича, технология инсон ҳаётини асраш ва енгиллаштиришга хизмат қилгандагина ҳақиқий қийматга эга бўлади. Шу гоа уни муҳим ва долзарб муаммо — ис газиси хавфига қарши курашишга ундади.

Ёш иختирочи яратган қурилма хондон-га ўрнатилган ва маншii газ сизиб чиқилиши ёки ис газиси миқдори меъёрдан ошган ҳолатини аниқлаб, дарҳол овозли сигнал орқали огоҳлантиради. Содда тузилишга эга қурилма арзон ва оммабоп бўлиши билан ҳам аҳамиятли. Энг муҳими, у биргина огоҳлантириш орқали инсон ҳаётини сақлаб қолиши мумкин.

— Устозимнинг ис газининг фожияли оқибатлари ҳақидаги ҳаётини ҳикоялари менга каттиқ таъсир қилди, — дейди Беҳрўз. — Шу сабаб унинг ечимини излашга тушдим. Бу қурилма бир вақтнинг ўзида бир неча амалиётни бажаради. Унда ақли калит бор, газни сезган ҳолатда баланд овозда хабар беради ва барча электр жиҳозларини блоклайди. Ҳозир қурилmani янада мукамаллаштириб, газ сизиб чиққанда эшик-деризаларнинг автомат тарзда очилиши ва хондон эгаларига СМС хабарнома юбориш устида ишлаяман. Қурилmani мукамаллаштириб, патент олганимдан сўнг автомобиллар тезлиги меъёрдан ошмаслигини назорат қилувчи ускуна яратмоқчиман.

Бугун Беҳрўз кичик дарсхонада тажриба ўтказаятган бўлса, эртага юртимиз тараққиётга хизмат қиладиган йирик иختиролар муаллифига айланиши ҳеч гап эмас. Чунки катта кашфиётлар одатда эгза ниятдан бошланади.

Энг муҳими, унинг иختироси бизга бир ҳақиқатни эслатади — фожияларга қарши фақат эҳтиёт чоралари билан эмас, балки онгли ёшлар, ақл ва меҳр билан йўғрилган гоёлар орқали курашилади. Агар ҳар бир ёш ўз билимини ва иқтидорини инсон манфаатига бағишласа, қўлаб кўнглисиз ҳодисаларнинг олдини олиш мумкин. Зеро, инсон ҳаётиндан азиз неъмат йўқ. Уни асрашга бел боғлаган ёшлар эса юртимизнинг энг катта бойлигидир.

Бугун замонавий касбларнинг аксарияти ахборот технологиялари билан chambarchас боғлиқ. Дастурлаш, робототехника, сунъий интеллект ва муҳандислик каби йўналишлар нафақат келажакда талаб юқори соҳалар, балки бугун тафаккурини шакллантирадиган муҳим воситадир. Бундай машғулотлар орқали ўқувчи мангидий фикрлашни, муаммони таҳлил қилиш, сабаб-оқибат боғлиқлигини аниқлаш ва мустақил қарор қабул қилиши ўрганади.

Жиззахда бугун яратилган ихчам қурилма балки эртага юртимиз, жаҳон бўйлаб қўлланилар. Кичик устaxonда бошланган гоа эртанги катта инновацион лойиҳаларга айланиши мумкин. Чунки янги Ўзбекистон шароитида билимга, изланишга ва янгилликка интилиш қўлаб-қувватланмоқда.

Энг муҳими, бундай ютуқлар ёшларни ишонч беради, руҳлантиради. Ана шу ишонч бор жойда эса келажак мустаҳкам бўлади, албатта.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

# ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ПАРАДИГМАСИ

## ОЛДИМИЗГА ЖИДДИЙ САВОЛЛАР ҚЎЙМОҚДА



Нуқтаи назар

Икромжон **РАҲИМОВ**,  
Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи ўринбосари



эскириши ва янги компетенцияларга эҳтиёж кескин ортаётгани билан изоҳланмоқда.

Кейинги даврда йирик технология компаниялари ички ёллаш сиёсатини кескин ўзгартири бошлади. Улар орасида Google ва IBM каби йирик корпорациялар ҳам бор. Бу ўзгаришлар асосан номзодларнинг дипломи ўрнига амалий кўникмалар, мустақил ўрганиш қобилияти, мураккаб вазиятларда ечим топиш салоҳияти чиққанида акс этди. Мазкур ҳолат бугун глобал тенденцияга айланиб улгурган ва у касбларнинг тез алмашинуви, мавжуд кўникмаларнинг қисқа муддатда

гарувчан муҳитга тайёрлашдан кўра мавжуд билимларни етказишга қаратилган шаклда қолмоқда. Шу тафовут аста-секин чуқурлашиб бораётган бир пайтда таълимнинг асл вазифаси ҳақида қайта ўйлаб кўриш зарурати вуҷудга келади.

Бугун меҳнат бозорида узлуксиз силжишлар, ўзгаришлар ҳукмрон. Бир вақтлар аниқ чегараларга эга бўлган касблар аста-секин шаклан янгиланаяпти, уларнинг ўрнида эса турли кўникмалар кесимида таркиб топаётган янги фаолият турлари пайдо бўлмоқда. Сунъий интеллект айнан шу жараёнинг марказида турилади. У инсон бажариб келган қўлаб вазифаларини ўз зиммасига олди. Шу билан бирга, меҳнат бозорига ўзига хос янги бўшлиқ яратди. Энди масала нимани бажариш эмас, қай тарзда бажариш устида кечмоқда. Стандарт вазифалар қадрсизланиб борар экан, ноаниқ вазиятларда ҳаракатлана олиш қобилияти асосий мезонга айланди.

Меҳнат бозори шу тарзда инсондан мотлашувчанликни, фикр доирасининг кенглигини талаб қилмоқда. Ҳар бир янги вазият олдинги тажрибани такрорлашни эмас, балки уни қайта талқин қилишни талаб этадиган давр бор. Шу бонис, ижодий фикрлаш, танқидий таҳлил, мураккаб муаммоларни бир неча призмадан кўра олиш қобилияти ҳозир, айниқса, қадрланади. Янги ижтимоий воқелик шундай шаклланмоқдаки, у ерда аниқликдан кўра ноаниқлик устун, тайёр йўлдан кўра изланиш муҳимроқ, якуний натижага



караганда жараёнинг ўзи аҳамиятлроқ. Шу йўсинда таълимнинг эски модели тобора кўпроқ саволларга сабаб бўлаётган бўлса, янги модель ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмай, унинг контурлари аста-секин кўзга ташланиб қолди.

Мана шуларнинг барчасини назарда тутган ҳолда халқаро тажрибалар, хусусан, иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиётга онд илгор ёндашувлар таълимни компетенциявий асосда қайта қуриш зарурлигини кўрсатмоқда. Бунда таълим жараёни

фақат билим бериш билан чекланмасдан, унга шахсининг кўникмалари, қадриятлари ва ижтимоий масъулиятини шакллантиришга қаратилган комплекс тизим сифатида қаралади. Ушбу замонавий таълим парадигмасида "ўқувчи фаолиги" (student agency) тушунчаси марказий ўринни эгаллайди. Унга кўра, таълим олувчи пассив ахборот қабул қилувчи эмас, аксинча, ўз ҳаёти ва қарорлари учун масъул фаол субъект ўлароқ намоён бўлади.

Педагогнинг роли ҳам тубдан ўзгармоқда. Энди ўқитувчи анъанавий маънода билим етказувчи бўлибгина қолмай, таълим жараёнини ташкил этувчи, йўл кўрсатувчи ва шахсий ривожланишни рағбатлантирувчи фасилитатор, яъни том маънода йўналтирувчи вазифасини ҳам ўташи лозим. Рақамли ва технологик саводхонликни сингдириш, ижодий ва танқидий фикрлашни рағбатлантириш, "lifelong learning" — умр бўйи ўрганиш кўникмасини шакллантириш каби вазифалар айнан педагог фаолияти орқали ҳаётга табиқ этилади. У дарс жараёнини оддий ахборот бериш доирасидан чиқариб, ўқувчини мустақил изланишга, мураккаб муаммоларни ечишга ва асосли қарорлар қабул қилишга йўналтиради, шу орқали ижтимоий-иқтисодий барқарорликка хизмат қилувчи компетенциялар табиий равишда шаклланади.

Демак, сунъий интеллект ривож шариоитида таълим тизимида фақат технологик янгиланиш билан чекланиб қолиш етарли эмас. Асосий эътибор инсоннинг маънавий-ахлоқий ривож, ҳаёт маъмунини аниқлаш ва жамиятдаги ўрнини белгилай олиш қобилиятига қаратилиши лозим. Замонавий таълим сиёсати ва амалиёт тайёр билим бериш моделидан воз кечиб, янги билим яратя оладиган инсонларни тарбиялашга йўналтирилиши зарур. Ана шундангина таълим тизими жадал ўзгаришдан дунё талабларига муносиб жавоб бера олади.



Ғаройиб суҳбатдош

# “ЯШИЛ МАКОН”

умуммиллий лойиҳаси:

## МАҚСАД — МУНТАЗАМЛИК

Кунлар исиб, анча жонланган табиат ўз тафтини инсонлар билан бўлишиш, уларнинг кўнглига илиқлик улашиш билан овера. Теваракка боқсангиз, ҳамма ҳаракатда: кимдир гул, кимдир дарахт кўчатини ерга қадаган, яна кимдир ер ағдариб билан банд, бошқа биров уруғ сепган... Айниқса, кўчат бозори жонланган, одамлар келиб, кучок-кучок кўчат кўтариб кетяпти. Ташкилотлар, идоралар кўчатчилик хўжаликлари билан шартнома тузиб, ёппасига катта-катта майдонларда боғ ва экинзорлар барпо қилишга киришган.

Қатордан қолмай деб, дам олиш кунлари олма, шафтоли ва гилос ниҳолларини келтириб, экишга ҳозирлик кўра бошладим. Ерни чуқур қилиб қовлаётсам, қўшимчимиз Болтавий ака ўтиб қолди. У миришкорлик ҳадисини олган. Уй ва кўчаси турли экин ва ўсимликлардан боғ бўлиб кетган. Ишимни бир оз кузатиб, ёнимга келгач, кўчатларни қўлига олди.

— Мана бу олманнинг ёввойироқ нави шекли, гилос эса дурстга ўхшапти. Шафтоли ҳам яхши экан. Ниҳолларни пала-партиш экиб бўлмайди. Булар тез ўсиши ва серҳосил бўлиши учун шох ва илдизига ишлов бериш керак. Парвариши ҳам кишидан ҳафса талаб қилади.

Билган барибир яхши экан. Болтавий ака менга кўчат экиш масаласида анча тушунча берди. Бу ишнинг шунча нозик жиҳати борлигини билмас эканман. Назаримда, ниҳолларни экиб бўлганимиздан кейин кўчатлар анча виқорли ва ерга мустаҳкам ўрнашгандек бўлди. Демак, ҳар ишни билиб бажаришда ҳикмат кўп экан. Келажакда бу кўчатлар ўсиб, азим дарахтга айланиши, мўл ҳосил бериши, ундан барча бирдек баҳраманд бўлишини ўйладим, қилган ишимдан мамнулик икки-уч кундан буён таниқ этмаётганим ҳам рост.

Кунни кеча юртимиз аҳли ана бир хайрли ишга ғувоҳ бўлди. Президентимиз “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбирида қатнашиб, Миллий дендрология боғини барпо этишга даст берди. Давлатимиз раҳбари халқимиз азалдан Наврўз кунларида, онлисида фарзанд тутилганда томоркасига, майдон ва хиёбонларга,

кенгайтириш, улардан самарали фойдаланиш ҳамда чўланишга қарши курашиш ишларини тизимли бажариш, шунингдек, мазкур йўналишларда ягона давлат сиёсатини юритиш ва мувофиқлаштириш мақсади жўшмоқда.

Сўнгги йилларда дунё миқёсида экологик муаммолар тобора долзарблишиб бормоқда. Иқлим ўзгариши, ҳавонинг ифлосланиши ва табиий ресурслардан ноқиллона фойдаланиш инсоният келажакига жиддий хавф туғдиришмоқда. Бундай шароитда табиатни муҳофаза қилиш ва яшил ҳудудларни кенгайтиришга қаратилган ташаббуслар алоҳида аҳамият касб этади. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ана шундай муҳим экологик дастурлардан.

Бу ташаббус орқали мамлакат бўйлаб кенг қўламли дарахт экиш ишлари бажарилмоқда. Минглаб гектар ер майдонидан янги яшил ҳудудлар барпо этилмоқда. Бу жараён нафақат табиатни муҳофаза қилиш, балки аҳолининг ҳаёти сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Президентининг 2025 йил 30 майдаги “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳамда ўрмонларни бошқариш тизимида ислохотларни изчил давом эттириш, яшил ҳудудларни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан аниқ мақсад ва ташаббуслар белгилаб олинган.

Бундан ташқари, ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўланишга қарши курашиш агентлиги фаолиятининг устувор йўналишлари, шунингдек, ушбу йўналишда



йўл четларига яхши ният билан кўчат қадаб, гулу райҳонлар эканини таъкидлади. Худудларда яшил боғлар яратиш бўйича аҳоли ва депутатлар иштирокчини янада кенгайтиришни таклиф қилди.

Мамлакатимиз етакчиси маҳалла раислари, отахон ва онахонлар, хотин-қизлар вакиллари ҳамда барча фаолларни жойларда миллий урф-одатлар, аёна ва қадриятларни янада кенг тарғиб қилиш, клублар ва жамоалар ташкил этиб, ҳар бир кўча, хонадон, йўл бўйларига ниҳол ва гуллар, қир-адирларга дарахт ва буталар экишда бош-қош бўлишга чақирди.

Бу сазй-ҳаракатлар юртимизда бир неча йилдан буён давом этиб келаётган ва самара бераётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган экан, унинг қандай кечаётганини биринчи манба — “Яшил макон”нинг ўзидан сўраб қўя қилишни маъқул кўрдик.

— Ишлар авжида эканини кўриб, хурсанд бўлямиз. Кўлам жуда катта-ку, а?

— Ҳа, белни маҳкам боғлаганимиз рост. Бир неча йилдики, мамлакатда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги тадбирлар самарадорлигини ошириш, ўрмонлар ва яшил ҳудудлар майдонини

муҳим чора-тадбирларни белгилаш ва соҳани ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланган. Бугун давом этаётган ишлар кўлами ҳам шунга яраша бўляпти.

— Ишлар давлат сиёсати даражасига чиққан экан, кутилаётган самара ҳам шунга яраша бўлиши керак...

— Албатта. Утган йили 26 сентябрда Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар таҳлил этилган эди. Камчилик ва йўл қўйилган нуқсонлар танқид қилиниб, келгуси вазифалар белгиланганидан сўнг ишлар янгича шиддат олди. Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ҳам муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқиллона фойдаланиш бешичини устувор йўналиш сифатида эълон қилинди.

“Депутатларга ўз округидаги муаммоларни ҳал этиш учун 500 миллиард сўм, ҳар бир депутатга 3,3 миллиард сўмдан бераймиз. Бу борада “яшил ҳудуд”, “яшил боғ” яратиш бўйича ҳар бир депутатнинг ташаббусига қўшимча 330 миллион сўмдан йўналитирамиз.

“

Экологик муаммоларни ҳал қилишда аҳолининг экологик маданияти ҳам катта аҳамиятга эга. Агар инсон табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлса, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш осонлашади.



“

Шамол ва қум-чанг бўронларининг зарарли таъсирини олдини олиш мақсадида 33 туманда 60 километрли “яшил белбоғ” ҳосил қилинди. Умуман, қисқа мuddатда республикада яшиллик даражаси 8 фоиздан 14,2 фоизга ошди.

Бундай ёндашув орқали 2030 йилгача барча туманлардаги маҳаллаларга янги Ўзбекистон қиёфасини олиб киришимиз”, деди мамлакат етакчиси.

Шунингдек, чанг-тўзонларнинг олдини олиш учун Сурхондарёда 10 минг гектарда “яшил макон” ва Сирдарёда 84 километрли “яшил девор” барпо этилиши, Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро ва Навоийда жами 250 минг гектар, жумладан, Оролнинг қуриган тубида 115 минг гектар ерда дарахт ва буталар экилиши маълум қилинди.

Умуман, Мурожаатномада кўпгаб мени қувонтирадиган вазифалар тилга олинди ва улар ижросига алақачон киришилган. Масалан, корхоналарда экостандартларни жорий қилиш учун келгуси беш йилда камида 30 минг экология менежерига талаб пайдо бўлади. Шунинг учун 2026 йилда ҳар бир ҳудудда “яшил” техникумлар ташкил этилиб, дуал таълим асосида йилга 10 минг мутахассис тайёрлаш йўлга қўйилади. Ҳаво, сув ва тупроқ сифатини аниқлаш имконини берадиган комплекс лабораториялар ташкил этилади. Шаҳарларда табиий вентиляцияни кучайтиришга қаратилган тадқиқотлар ўтказилади. Умуман, экология соҳасига 2026 йилда 1 триллион 900 миллиард сўм йўналтирилади.

Яқинда, яъни 2026 йил 30 март кунини яна бир муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Президентининг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони имзоланди. Унинг ижроси ҳам менинг гуллаб-яшнашимга хизмат қилади. Гап шундаки, 2028 йилга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қўшимча равишда жами майдони 100 гектардан кам бўлмаган ботаника ва дендрология боғлари ташкил қилинади. Дендрология боғлари мақомига кўра ботаника боғларига тенглаштирилади.

Фармонда ботаника ва дендрология боғларини ташкил этиш мақсадида ажратиладиган ер майдонлари, истисно тариқасида, қилшқоқ хўжалиги ишлаб чиқариш нобугдирчилиги ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловларидан озод қилиниши белгилаб қўйилди. Ботаника ва дендрология боғларининг ер участкаларини хусусийлаштириш ёки бегоналаштириш, иккиламчи ижарага бериш, худудини қисқартириш қатъий тақиқланади.

— Демак, кечаги тадбир юқоридagi кенг қамровли ишларга янгича шиддат берар экан-да?

— Агар сўнгги беш йилдан буён “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион туп кўчат экиб келинаётгани, ўтган даврда 2000 гектардан зиёд

майдонда 942 та яшил боғ ва яшил жамоат парки, 47 та массивда “Янги Ўзбекистон боғлари” барпо этилганини эътиборга олсак, шундай бўлиши табиий.

Бундан ташқари, республиканинг тоғ, чўл ва адир ҳудудларида 256 минг гектар ўрмон ташкил қилинди. Оролнинг қуриган тубидаги 2 миллион гектар майдонда яшил қопламани ҳимоя ўрмонлари яратилди. Шамол ва қум-чанг бўронларининг зарарли таъсирини олдини олиш мақсадида 33 туманда 60 километрли “яшил белбоғ” ҳосил қилинди. Умуман, қисқа мuddатда республикада яшиллик даражаси 8 фоиздан 14,2 фоизга ошди.

— Мақсадлар мазмуни ҳақида нима дея оласан?

— Мақсадлар кўлами, айтганимдек, жуда кенг. Шаҳарларда саноат корхоналари, транспорт воситалари ва бошқа омиллар ҳавонинг ифлосланишига сабаб бўлади. Бундай шароитда дарахтлар ва яшил ҳудудлар табиий филтър вазифасини бажаради. Мутахассислар фикрича, бир донна дарахт йил давомида бир неча ўн килограммгача зарарли моддаларни ютиши мумкин. Шунинг учун шаҳарларда дарахтлар кўпайиши экологик муҳитни яхшилашда муҳим аҳамиятга эга.



Яшил боғлар ва парклар дам олиш, спорт билан шуғулланиш ва табиат қўйинида вақт ўтказиш имконини яратяди.

Дейлик, 2026 йил 1 январдан бошлаб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида экилаётган дарахт ва бутта кўчатларининг кўқарувчанлиги, яшовчанлиги, касаллик ва зараркундаларга чидамчилигини оширишнинг мақсадида кўрсаткичлари белги-

ланган. Масалан, давлат ўрмон хўжаликларида республика ҳудудининг иқлим шароитига мос дарахт турларининг замонавий селекция усулларидан фойдаланиб, сифатли ва кафолатланган уруғларни етиштириш ҳажми 1,5 баравар оширилади. Уруғчилик лабораторияларида республика иқлим шароитига мос ўсимлик турларидан оналик плантациялари ташкил қилинади. Яна бир муҳим жиҳати, давлат ўрмон хўжаликлари етказиб бераётган кўчатлар ҳажмини 2 баравар ошириш вазифаси қўйилган.

Ташаббуслар тўғрисида ҳам айтиб кетай. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда жамоатчилик иштирокчини кучайтириш, “Яшил макон” электрон платформасида очиқликни таъминлаш ва рақамлаштиришга қаратилган қатор механизмлар жорий қилиняпти. Кейингиси, лойиҳага давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ ҳисобидан қилинадиган ишлар тўғрисидаги маълумотлар жамоатчиликка “ҳар бир тийин сарфланишини кузатиш” тамойили асосида онлайн етказилиши назарда тутилган. Шу билан бирга, энди дарахт ва буталарни кесиш учун рухсатнома бериш юзасидан муро-

жаат қилган шахс тўғрисида маълумот, кўчирилиши ёки кесилиши таклиф этилаётган дарахт ва кўчириш сабаби, аниқ манзили, жойлашуви, фото ва видеотасвирларини акс эттириш ҳам керак.

Яна бир гап. Илгари “Менинг боғим” дастури доирасида ҳар бир лойиҳага бюджетдан 250 миллион сўмгача маблағ берилган бўлса, энди бу миқдор 400 миллион сўмга оширила-

ди. Ҳар бир яшил боғ ва жамоат парки учун аҳоли ўзи танлаган, яшаш ҳудудларига яқин ва энг муҳими, сув таъминоти мавжуд жойлардан 1 гектаргача ер ажратилади.

— Булар, албатта, эзгулик йўлидаги сазй-ҳаракатлар. Ҳимоя механизмлари-чи, улар нималарни назарда тутяди?

— Ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталарнинг қимматбахо навларини қонунга ҳилоф равишда кестан ёки йўқ қилган шахслар томонидан компенсация сифатида экилган дарахт ва бутта кўчатлари ҳисобини юритиш тизими жорий қилиняпти. Дарахтларни қонунга ҳилоф равишда кестан жисмоний ва юридик шахслар, ушбу ҳуқуқбузарликлар ҳамда улар юзасидан қўрилган чоралар бўйича “Яшил макон” электрон платформасига доимий равишда маълумотлар киритиб бориш ҳам белгиланган.

Эсласангиз, 2021 йил 2 ноябрь кунини Ўзбекистон Президенти ўтказган видеоселектор йиғилишида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, мазкур лойиҳа доирасида йилга 200 миллион туп дарахт ва бутта кўчатини экиш белгиланган эди. Шундан буён ишлар юқори босқичга чиқди. Бундай кенг қўламли ташаббус амалга оширилиши натижасида шаҳарларимиздаги яшил майдонлар ҳудуди ҳозирча 30 фоиз кенгайтирилди.

Умуман, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бу — бир йиллик тадбир эмас. У мунтазамлик касб этиши мақсад қилинган ва албатта, ижроси таъминланади. Бунинг учун барча имконият ва ресурслар етарли.


— Одамлар ҳам бу жараёнга астойдил киришиб кетди. Жойларда халқимиз, айниқса, ёшларимиз намоен қилаётган фаоллик ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Шундай эмасми?

— Худди шундай. Лекин шу ўринда масаланинг яна бир муҳим жиҳати, яъни экологик маданият ҳақида тўхталшимиз лозим. Экологик муаммоларни ҳал қилишда аҳолининг экологик маданияти ҳам катта аҳамиятга эга. Агар инсон табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлса, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш осонлашади. “Яшил макон” лойиҳаси бу борада ҳам муҳим. Дарахт экиш тадбирларида ёшлар, талабалар ва фуқароларнинг иштирок этиши табиатга нисбатан жамоавий масъулият ҳиссини шакллантиради. Бу эса келажакда экологик муаммоларнинг қайтарилишига хизмат қилади.

Бугун экилаётган ҳар бир ниҳол келажак авлод учун соғлом ва тоза муҳит яратишда кўл келади. Шунинг учун бу ташаббусда фаол иштирок этиш, табиатни асрашга ҳисса қўйиш ҳар бир ўрмончиимизнинг бурчидир. Айниқса, ёшлар бу ташаббусда катта фаоллик кўрсатмоқда. Мактаб ўқувчилари, талабалар ва кўнгилчилар дарахт экиш тадбирларида қатнашиб, табиатни асрашга ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали экологик тарғибот ишлари кенг юритилаётгани ҳам қувонарли ҳол.

Келгусида лойиҳа янада кенг қўламда амалга оширилади. “Яшил шаҳарлар” концепциясини ривожлантириш, экологик инфратузилмани кенгайтириш ва аҳолининг экологик маданиятини ошириш истиқболдаги асосий вазифалардан.

Нодир БЕК,  
Ўзбекистон Журналистлар  
уюшмаси аъзоси



ГАЗЕТАДАГИ  
МАТЕРИАЛЛАРНИ  
ЛОТИН ЕЗУВИГА  
АСОСЛАНГАН  
ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА  
ЎҚИШ УЧУН МАЗКҮР  
QR-KODНИ  
СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”  
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-446.  
30646 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Одсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Санжар Эшмуродов  
Мусаҳҳих: Акбар Қаршиев  
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилимиз:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 01:15 Топшириқди — 01:20